

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ**

БАКАЛАВРИАТ 5410600-ЗООТЕХНИЯ ЙЎНАЛИШИ 4-92

ГУРУҲ ТАЛАБАСИ Аннакулов И нинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Қора-ола зотли буқачаларни “Сут булоқ” фермер хўжалиги
шароитида ўсишининг таҳлили”**

Илмий раҳбар:

“Зоотехния” кафедраси

доценти, қ.х.ф.н.

_____ Ғ.Б.Амантурдиев

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

«Зоотехния» кафедраси

муdiri, доцент

_____ Ғ.Б.Амантурдиев

«Зоотехния» факултети

декани, доцент

_____ У.Ш.Балласов.

«_____» _____ 2014 й.

«_____» _____ 2014 й.

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	2
I. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	6
II. АСОСИЙ ҚИСМ	18
II. 1. Гўштдор қора – ола зотли буқачаларни олиш.....	18
II. 2. Янги туғилган буқачаларни парваришlash	19
II. 3. Бузоқларни боқишда оғиз сутининг аҳамияти.....	23
II. 4. Сут ичириш даврида бузоқларни озиклантириш.....	25
II. 5. Ёш буқаларни озиклантириш схемаси бўйича боқиш.....	26
II. 6. Буқачаларни сут давридан кейин боқиш.....	29
III. ИЗЛАНИШЛАР ТАҲЛИЛИ	32
III.1. Изланишлар ўтказилган хўжаликнинг қисқача тавсифи.....	32
III.2. Тажриба гуруҳларидаги бузоқларни озиклантириш.....	37
III. 3. Ёш буқалар тирик вазнининг ёши бўйича ўзгариши	38
III. 4. Озиқалар сарфини маҳсулот билан қоплаш.....	40
IV. Буқаларни боқишда қўлланиладиган ветеринария – профилактик тадбирлар	40
IV.1. Буқаларни боқишда қўлланиладиган ветеринария – профилактик тадбирлар.....	41
IV.2. Ёш буқаларда кўп учрайдиган касалликлар.....	41
IV.3. Буқаларнинг касалланиш асорати.....	48
IV.4. Таҳлилнинг иқтисодий самарадорлиги.....	48
ХУЛОСАЛАР	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52
ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ	56

КИРИШ

Асрлар давомида чорвачилик соҳаси Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Иқтисодиётнинг ўтиш даврида кўплаб тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, одамларнинг кўшимча даромад олиш имкониятлари чекланган мураккаб йилларда ушбу соҳа қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлиги даражасини барқарор сақлаб туришга салмоқли ҳисса қўшди. Чорвачилик қишлоқ аҳолиси учун озиқ-овқат ва даромад олишнинг муҳим манбаига айланди. Бозор иқтисодиёти механизмлари фаоллашиб, озиқ-овқатга талаб ортиб бораётган ушбу кунда мазкур соҳа самарадорлигини ва рақобатдошлигини янада ошириш вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Ўзбекистондаги БМТТД (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури) қишлоқ жойлардаги турмуш даражасини юксалтириш учун ҳам деҳқон, ҳам фермер хўжаликларини ривожлантиришни қўллаб-қувватламоқда. Бу Ўзбекистоннинг 2015 йилга қадар турмуш даражасини яхшилаш бўйича Мингйиллик Тараққиёт Мақсади сари қўйилган муҳим қадамдир.

Аҳолини сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун сут ҳамда гўшт ишлаб чиқаришни режали кўпайтириб бориш талаб этилади. Бу борада йирик шохли моллар бош сонини кўпайтириш, сигирлар маҳсулдорлигини ошириш ва сут ишлаб чиқаришдаги самарали технологияларни жорий этиш кутилган натижаларни беради. Бугунги кунда бизнинг мамлакатимиз агросаноат давлат ҳисобланади. Шундай экан қорамолчиликда сут ва гўшт ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш асосида ҳамда молларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш йўли билан арзон ва сифатли сут ҳамда гўшт ишлаб чиқаришга эришиш мумкин. Энг асосийси фермер хўжаликларида сут ва гўшт ишлаб чиқаришни самарали технологияларини кенг қўллаш ва шу асосида сигирлар сут маҳсулдорлигини кўпайтириш билан озуқа, меҳнат сарфи ҳамда маҳсулотнинг таннархини камайитириш мумкин.

Бундан ташқари қорамолчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида молларни сақлаш ва озиқлантиришни янги усуллари ҳамда самарали механизми ва ускуналарини жадал тадбиқ этиш имконини яратади. Бу ўз навбатида молларни сақлаш, соғиш майдончаларини қуриш, соғиш механизмларини ва ускуналарини, озиқлантириш транспортлари ҳамда озуқа цехлари тизимларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистоннинг XXI - асрдаги қорамолчилик тараққиётини истиқболлари, нодавлат хўжаликларининг шаклланиши ва унинг ривожланиш одимларига боғлиқ. Фермер ва деҳқон хўжаликларида подани самарали ташқил этиш, моллар маҳсулдорлигини ошириш, технологияларини такомиллаштириш, озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш асосида ҳар бир шартли молга ва бир гектар суғориладиган ер майдон ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби масалалар давр талаби бўлиб қолди.

Селекция ишининг замонавий усуллари яратилмоқда. Дунё генофондидаги зотлар ичида рақобатбардошликка қаратилган селекция - наслчилик ишлари кучайтирилмоқда ҳамда «яхшиловчи» зотлар танлаб олиниб, кенг миқёсида фойдаланилмоқда. Яратилган зотлар интенсив ва экстенсив гуруҳларга ажратилган. Замонавий дурагай зотларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш устида селекция - наслчилик ишлари амалга ошириляпти. Рақобатбардошликка бардош беролмаган зотлар камайиб, генофонд ҳолатига келиб қолмоқда ҳамда уларнинг ўрнини «яхшиловчи» дунё зотлари эгалламоқда.

Хорижий давлатларда жумладан, Германия, Голландия, Дания, Франция ва бошқа давлатларда сут йўналишидаги қора - ола зотлари голштинлаштирилмоқда ҳамда шу билан бир қаторда қизил чўл зоти ва қора - ола зотларини ҳам голштин зоти билан чатиштирилиб такомиллаштириш ишлари давом эттириляпти. Молларнинг наслдорлик ирсий хусусиятлари оширилиб уларнинг максимал фойдаланишга қаратилган комплекс чора

тадбирлар ишга солинмоқда. Бунда ривожланган давлатларда сигирларнинг ўртача соғими 6000-7000 кг дан 9000 кг гача кўтарилиш босқичида турибди.

Мавзунинг долзарблиги. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу селекция - наслчилик ишларини замонавий усуллардан кенг фойдаланиб, замонавий дурагай зотларини яратиш ҳамда мавжуд зотларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Аммо бу зотдаги сигирларнинг маҳсулдорлик, пушторлик, елин хусусиятларини яхшилаш билан бир каторда улардан соғлом бузоқлар олиш ҳамда сут таркибидаги ёғини ошириш ҳозирги кунгача долзарб ҳисобланиб келинмоқда. Шу туфайли бу зотни такомиллаштиришда молларни озиқлантириш ва асраш шароитларини, подани тўлдирувчи бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва наслчилик ишларини тубдан яхшилаш ҳамда (қора ола зотига қариндош бўлган қора - ола ва Дания қизил) қора ола зотларига мансуб наслдор буқалардан частиштиришда кенг фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Бундан ташқари қора ола зотининг тизимлари бўйича бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишини ўрганишда мақбул тизимларини аниклаш ҳам муҳим илмий ва амалий вазифалардан ҳисобланади.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари.

Гўштор қора – ола зотли қорамоллар сонини кўпайтириб аҳолини сифатли сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш. Гўштор қорамолчиликни янги фермер хўжаликларида ташкил этиб, чет – эл қорамолчилик технологияларидан фойдаланишдан иборат. Мамлакатимиздаги қора – ола зотли қорамолларни етиштирувчи илғор хўжаликларда пода тузилишида чорвачилик маҳсулотларни кўпайтиришга, асосан моллар сифатини яхшилаш ҳамда озиқлантириш меъёрини ва рацион қийматини ошириш, бузоқларни сақлаш, парваришлаш ва яхшилаш жараёни натижасида амалга оширилади.

Хўжаликларда зоотехникавий ҳамда ветеринария хизматини бузоқларни ўстириш борасида яхши ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

- Кейинги йилларда гўшт етиштиришнинг замонавий технологияга ўтказилиши пода тўлдирадиган бузоқ ўстирувчи махсус хўжаликлар барпо этишни тақозо этмоқда. Буларда бузоқлар шундай технологияда боқиладики, пировардида улардан гўшт йўналишидаги хўжаликларда фойдаланиш мумкин бўлади. Бу эса эрта ёшлардаги бузоқларни саноат усуллари асосида боқишга яроқлилиги юзасидан селекция ишлари олиб бориш имкониятини яратади.
- Шу боисдан гўштдор молларнинг сифатини яхшилаш ҳамда пода тўлдирадиган бузоқларни ўстиришга кетадиган харажатларни камайтириш мақсадида кейинги йилларда мамлакатимизда бузоқ ўстиришни турли усуллари фермер хўжаликларида кенг қўлланилмоқда.
- Бундай хўжаликларда зоотехникавий ҳамда ветеринария хизматини, бузоқ ўстириш борасидаги ҳисоб ва назорат ишларини яхши ташкил этиш, сермехнат жараёнларни механизациялаш, ихтисосли кадрлар билан таъминлаш, бинолардан янада самаралироқ фойдаланиш ва саноат технологияси шароитларида боқишга ҳар жихатдан тайёрланган кўп сонли юқори синфли молларни муваффақиятли ўстириш мумкин бўлади.
- Фермер хўжаликларда ёш буқаларни самарали парваришлаш, юқори махсулдор гўштдор қорамолларни яратишга имкон беради.

I. Адабиётлар шархи

Республикаимизнинг жанубий минтақаларида урчитиш учун режалаштирилган қора ола зоти сутдор қорамоллар ичида етакчи зотлардан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо ушбу зотнинг маҳсулдорлик имкониятлари тўлиқ юзага чиқарилмаган. Ҳозирги кунда қора ола зотли қорамоллар соф зотли урчитиш ва бундан ташқари жаҳон генофондига хос насли буқалар билан чатиштириш ишлари кенг қўлланилмоқда ва бу орқали юқори маҳсулдор подалар яратишга эришилмоқда.

Буни кўплаб ўтказилган илмий - тадқиқот ишлари натижаларида кузатишимиз мумкин.

Қора ола зотли қорамолларни жаҳон генофондига хос қариндош буқалар билан чатиштиришдан олинган авлодларининг ўсиш ҳамда ривожланиши соф қора ола зотли тенгкурларига нисбатан сезиларли даражада жадаллашгани кўплаб тадқиқотларда кузатилган.

Шунингдек, еш молларнинг ўсиш ва ривожланиш даражаси уларнинг ирсиятига ва озиқлантириш омилига боғлиқлиги Ш.Акмалхонов, М.И.Аширов (1981), П.И.Зеленков (2001) тадқиқотларида кузатилган.

Ш.А.Акмальхонов ва бошқалар (2007) ёзишича, янги туғилган бузоқларга оғиз сути ичиришнинг ҳар хил усуллари қабул қилинган. Биринчи усул бу ҳар томонлама қулай бўлиб, бузоқлар эҳтиёжига яраша тоза, илиқ оғиз сути сўриш жараёнида ошқозон ичак тизимининг иш жараёни тезлашади ва оғиз сути таркибидаги элементлари сўрилиши яхшиланади ҳамда уларда диспепсия касалликларини келиб чиқиши камаяди. Жумладан, бузоқларни эмдириш янги тукқан сигирларга ижобий таъсир этади, бузоқ эмиши орқали сигир елини уқаланади ва туғиш жараёнида содир булган асоратлар тезроқ ўтади ҳамда сигир йўлдошининг ажралиши тезлашади.

Зоотехния амалиётида янги туғилган бузоқларни оғиз сути билан эмдиришнинг мақбул муддатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бузоқларни туғилгандан 24 соат мобайнида ўз онасини эмдириш уларнинг ўсиш ва ривожланишига ҳамда соғлигига ижобий таъсир этади. Бузоқлар 24 соат мобайнида онасига эмдирилиб сўнгра кўлда эмдиришга ўтказилса, сигир боласидан ажратишга тезроқ куникади ва маҳсулдорлиги пасаймайди.

Ёш бузоқларни қонига оғиз сути бир неча хил моддалар аста-секин ошқозон ичак тизими орқали ўтади. Бироқ ёш бузоқларни ичак деворлари орқали ушбу моддаларнинг йирик молекулаларини сурилиш жараёни улар туғилгандан сўнг 36-48 соат мобайнида давом этади, сўнгра ундаги мавжуд бўлган тўйимли моддаларни сўрилиши тезда пасайиб боради.

С.Ф.Погадаев, А.Н.Гаджиевларнинг (2001) изланишларига мувофиқ, йирик мустаҳкам бузоқ тузулишли ва конституцияга эга сигирларгина юқори генетик имкониятини намоён этади.

Ф.Ф. Эйсернинг (1977) ёзишича, селекция жараёнининг юксалиши даражаси фойдаланилаётган буқанинг ирсий имкониятига ва ҳайвонларнинг авлодлар алмашинувига боғлиқ. Шу сабабли ҳам сутбоп қорамолчилиги ривожланган давлатларда ҳар йили 25-30% миқдорда сигир подаси янгилашиб туради.

Ш.А.Акмальхонов, А.Болтаевларнинг (2001) таъкидлашича, бузоқлар туғилганидан кейин бир неча ўсиш ва ривожланиш босқичларини ўтайди. Оғиз сути ичиш даври бузоқларнинг ўсишида муҳим бўлиб, оғиз сутининг таркиби кўп жиҳатдан қон таркибига ўхшаб кетади ва бузоқнинг она қорнида олган озуқадан фарқ қилувчи ушбу озуқага аста-секин кўникади.

Соғин даврининг дастлабки 3 кунда оғиз сути таркибида ёғ, оқсил, углевод, ферментлар, витаминлар ва минерал моддалар кейинги кунларга нисбатан жуда юқори бўлади. Шунингдек, худди шу даврда унинг нордонлик даражаси, зичлиги, ёпишқоқлиги ва бошқа кимёвий кўрсаткичларининг юқори даражада бўлишини аниқланган.

А.П.Солдатов ва бошқаларнинг (1989) таъкидлашича, ёш бузоқларнинг нобуд бўлишининг 70-80 фоизи улар ҳаётининг биринчи ҳафтасига тўғри келар экан. Муаллифлар бунинг асосий сабаби, янги туғилган бузоқларни планцетар ҳаёт шароитидан постэмброинал шароитига ўтиш даврида ҳаёт шароитининг кескин ўзгариши билан боғлиқ деб тушунтирадилар.

Х.М.Классен (1966) маълумот беришича ҳамда В.И.Мячин (1990) маълумотларига кўра, қора ола зотли қорамолларни хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштиришда жаҳонда сут маҳсулдорлиги бўйича етакчи ўринда турувчи қариндош зотли буқалардан чатиштиришда кенг фойдаланиш юқори самара бериши кузатилган.

М.А. Сидоров (1975) ёзишича, ёш бузоқларда учрайдиган диспепсия ва диарея касалликларининг белгиларига қараб уларни иккига: **инфекцион** ва **инвазион** каби турларга ажратади. Муаллифнинг фикрича, колибактериоз, анаэробли энтеротоксимия ва пневмаэнтерит инфекциялар орқали вужудга келадиган касалликлар бўлиб, ушбу касалликлар махсус микроблар ёрдамида содир бўлиши, оғиз сути таркибидаги иммуноглобулинлар эса ушбу микробларга қарши курашиши лейкоцитларнинг фагоцитоз хусусиятларини кучайтиради.

В.М.Пурецкий., В.А.Прахт (2005) маълумотларига кўра тажрибалар 3-босқичда олиб борилди, бунда турли дозаларда препаратлар қўлланилди: 1-босқичда – 0,25 мл/кг, 2-босқичда – 0,17 мл/кг, 3-босқичда – 0,12 мл/кг тирик вазнга туғилган кунининг иккинчи кунидан бошлаб то ўн кунлик бўлганга қадар суткасига бир марта қўлланилди. Янги туғилган бузоқларнинг озиқаларига риба препаратини қўшиб берганда 1,6-4,5 мартага ич кетиш касаллиги камайганлигини кузатишган ва касаллик давомийлиги икки маротабага камайган. Ўртача кунлик ўсиш тажриба гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан, тегишли равишда 25,4%, 28,2% ва 16,7% га юқори бўлган. Бир бош касалланган бузоқни даволашга кетган ҳаражатлар назорат гуруҳларида 14,6 рубльни тажриба гуруҳларида эса 0,60 ва 1,35 рубльни

ташқил қилган. Энг яхши кўрсаткичлар профилактик мақсадларда қўлланилганда 1 кг тирик вазн учун 0,25 мл/кг дозада бериш мақсадга мувофиқ бўлган.

Ш.А.Акмальхонов ва бошқалар (1974), Г.Н.Левина (2005) , В.П.Урбан, И.Л.Наймановларнинг (1984) ёзишича ёш молларни белгиланган муддатларда ва керакли миқдорда сифатли оғиз сути билан озиқлантириш уларнинг келгусидаги чидамлилигини белгиловчи омиллардир. Муаллифларнинг таъкидлашича, оғиз сути таркибида бактерицидлик хусусиятларига эга лизоцим, лактиен, лактотрансферин, кангидрат моддалри мавжуд.

Оғиз сутини ичмаган бузоқларнинг қон зардобиди гамма - глобулинлар миқдори биринчи 10 кунлигида 0,02-0,06г% дан ошмаган, оғиз сути ичган бузоқларда эса бу кўрсаткич 1,57г% ни ташқил этади.

Янги туғилган бузоқлар биринчи бор оғиз сутини қабул қилганларида уларни қон зардобидидаги гамма - глобулинлар миқдори 250-500 маротабага кўпайганлиги кузатилган. Демак, ёш моллар токи оғиз сутини қабул қилмагунларига қадар улар организми иммунитет ҳосил қилувчи моддалар билан таъминланмас экан.

Янги туғилган бузоқлар оғиз сутини қабул қилганидан 24 соат ўтгач, улар қон зардобиди иммуноэлектрофореграммалари катта ёшдаги молларникидан фарқ қилади, яъни уларда оксил моддаларининг барча фракциялари мавжуд бўлади. Оғиз сутининг бузоқларни озиқлантиришда аҳамиятга моликлиги - бу янги туғилган бузоқлар ҳаётининг илк соатларида улар организмида сусти иммунитетни ҳосил қилишидадир. Оғиз сути антителаси нафақат организмида сусти иммунитет ҳосил қилиш, балки фаол иммунитет ҳосил қилишда ораганизиорганизмнинг иммун жавобини кучайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

В.Н. Лазаренко, А.И. Епимахов (2005) тажрибаларига кўра тажриба учун эркак ва урғочи бузоқлар танланган I-гурухга симментал зотли, II-

гуруҳга қора ола зотли, III-гуруҳга $\frac{1}{4}$ қора ола + $\frac{3}{4}$ голштин зотли, IV-гуруҳга қизил чўл зотли, V-гуруҳга $\frac{1}{4}$ қора ола зотли $\frac{3}{4}$ голштин, VI-гуруҳга $\frac{1}{8}$ қизил чўл + $\frac{7}{8}$ голштин зотли бузоқлар ажратилган. Тирик вазн ўзгариши тахлили натижалари шуни кўрсатадики I-гуруҳга ажратилган эркака ва урғочи бузоқларнинг тирик вазни 18 ойлигида стандарт талабларидан тегишли равишда 1,9 ва 27,6 кг га юқори бўлган. II-гуруҳга ажратилган букачалар стандарт талбларидаги тирик вазн кўрсаткичи билан бир хил бўлган урғочилари эса 2,6 кг га юқори бўлган. III-гуруҳдагилар тегишли равишда 19,3 ва 0,6 кг га юқори бўлган. IV-гуруҳдагилар эса 9,7 ва 15 кг га юқори бўлган, V-гуруҳдагилар эса 20,4 ва 23,9 кг га юқори бўлган, VI-гуруҳдагилар эса 34,3 ва 33,9 кг га юқори бўлган.

Ю.Н.Григорьев, Д.Р.Казарбин, Л.Г.Храмовалар (1987) таъкидлашича, голштин зотли букалардан подаларда яхшиловчи зот сифатида чатиштиришда фойдаланишдан олдин яхшиловчи буқанинг сут маҳсулдорлигини ҳисобга олиш лозим. Қачонки яхшиланувчи поданинг сут маҳсулдорлиги 3000 кг - дан паст бўлмаса хўжалик мустаҳкам озуқа базасига эга бўлиб, селекция – наслчилик ишлари тўлиқ йўлга қўйилган тақдирдагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

И.И.Хафизов, З.М.Пирназаровларнинг (2006) ёзишича наслчилик ишларини асосини танлаш ва саралаш ташқил этади. Шунинг учун ҳам зотни такомиллаштиришда яхши ва маҳсулдор урғочи молларни урчитиш учун танлаб олиш ҳамда уларнинг ушбу зотнинг етакчи бўлган тизимлари бўйича баҳоланган букалар билан жуфтлаш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Наслчилик ишларининг натижаси албатта озиқлантириш даражасига ва ёш молларнинг мақсадли ўстиришга боғлиқ.

Л.Д.Тимоченко ва бошқаларнинг (2003) ёзишича янги туғилган бузоқларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари уларнинг оналарининг ёшига ва шуни таъкидлаб ўтиш лозимки олинган бузоқларни парваришда қайси мақсадда фойдаланилишига ҳам боғлиқ экан. 3-4 ёшли сигирлардан туғилган

бузоқлар биринчи икки - уч хафталигида уларнинг тўлишганлик индекси кўрсаткичлари юқори бўлганлиги ифодаланган. 3-4 ёшли сигирлардан олинган бузоқларда кўкракдорлик индекси кўрсаткичлари энг юқори бўлган. 3-4 ва 6-7 ёшли сигирлардан олинган бузоқларнинг бузоқ ўлчамлари кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар бир-бирига яқин эканлиги кузатилган.

В.П.Урбан, И.Л. Найманов (1984) Ш.А.Акмальхонов ва бошқалар (1974) фикрларига кўра, янги туғилган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари организмида иммунитет кучсиз ва нобарқарор бўлиб, постэмбрионал даврининг дастлабки куни иммунитетни оғиз сути орқали орттиради. Шу сабабли ёш молларни белгиланган муддатларда ва миқдорда сифатли озиқ сути билан озиқлантириш уларнинг келгусидаги чидамлилигини белгиловчи омиллардан биридир. Муаллифларнинг таъкидлашича, оғиз сути таркибида бактерицид *хусусиятларига эга лизоцим, лактеин, лактотрасферон, ксантидегидрат* моддалари мавжуд.

Ш.М.Бурибоев (2006) ёзишича, маҳаллий каолин ва бентонит гилларини буқачаларни ўсиш ва ривожланишидаги таъсири ўрганилганда ортиқча тирик вазнга эришиш мумкинлигини тадқиқ қилган. Ўзбекистон шароитида моллар рационининг таркибида минерал моддаларнинг етишмаслик ҳолатлар кузатилган ва улар рационига маҳаллий каолин ва бентонит гилларини курук модда ҳисобига 2% дозада қўшиб бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Бунинг натижасида кунлик ўсиш 14,0% га, 1 кг тирик вазнга кетган ҳаражат 12,5% ва рентабеллик даражаси 12,1% га ошганлиги аниқланган.

А.И.Израэль (1945) Р.Ахмедов (1958), тадқиқотларида мўътадил иқлим шароитидан келтирилган зотларнинг иссиқ иқлим шароитига мослашиш жараёни қийин кечиб, уларда маҳсулдорлик кескин камайиб, ҳаётчанлиги пасайган. Муаллифнинг таъкидлашича, баъзи ҳолларда улар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган.

И.М.Косумов, И.М.Кадиевларнинг (2000) ёзишмча, ҳар бир зот янги экологик шароитга келтирилганда яшовчанлиги ўзининг экстерьер ва хўжалик фойдали белгиларини ташқи муҳит шароитига боқлиқ равишда ўзгарган ҳолда сақлаб қолади ва шу шароитга яхши мослашади.

К.Карибоев ва бошқалар (2000) таъкидлашича пахта кунжарасининг захарлилиги, унинг таркибидаги ўсимлик пигментлари госсипол ошқозон ичак тизимининг деворларига енгил шимилиб, бутун организмда кучли захарли моддалар ҳосил бўлиши туфайли содир бўлади. Уларнинг фикрича, ҳайвонларнинг барча тури захарланади. Энг тез захарланувчи моллар сирасига сут эмиш давридаги бузоқлар кириб улар госсиполнинг кам миқдорига ҳам тез захарланар экан. Бузоқлар рацион куруқ моддасига 25 фоиз чигит қўшиб берилганда касалланиш белгилари учрамаган.

Р.Ҳамракулов, К.Карибаевларнинг (1999) ёзишича, турли хўжаликларда бузоқларни парвариш қилишнинг ҳар хил усуллари қабул қилинган. Баъзи хўжаликларда бузоқларни умуман эмизишга қўйилмай, соғиб олинган сут билан боқилади. Бошқаларида эса биринчи 10-15 кунда бузоқларни онаси сути билан парваришланади. Бу парваришlash усулда бузоқлар шу даврда онаси билан бирга туради ва ич кетиш касалликларига деярли чалинмасдан, соғлом ва яхши ўсиб ривожланади. Она сизирларда эса елин шишиш касаллиги учрамайди. Бунда бузоқлар эмиб бўлгандан кейин қолган сут соғиб олинади.

Р.Ҳамракулов, К.Карибаевларнинг (1999) таъкидлашича, профилакториядан ўтказилган бузоқларнинг ёши, туғилган пайтидаги тирик вазни ва жинси бўйича гуруҳларга ажратган. Гуруҳлардаги бузоқлар сони ҳар хил хўжаликларда турлича бўлиб 5 бошдан 20 бошгача бўлиши мумкин. Ўртача бир бош бузоқ учун 2 м² ер майдони тўғри келиб, ҳар гуруҳдаги бузоқлар учун алоҳида яйратиш майдончаси бўлиши лозим. Ёз ойларида эса улар алоҳида яйловларда яйратиб боқилгани маъқул.

С.Г.Лумбунов, Р.Р.Игнатъевлар (1999) қорамоллар қон кўрсаткичлари (морфологик ва биокимёвий) турли ўсиш давридаги ҳолатларидаги ўзгаришни ўз тадқиқотларида ўрганган ва ўсиш кўрсаткичлари билан қон кўрсаткичлари ўртасида ўзвий ўзаро боғлиқликни мавжудлиги аниқланган.

С.Ш.Исамухамедов ва бошқаларнинг (2000) маълумотиға мувофиқ, рус олимлари Н.П.Чирвинский, А.А.Малигоновларнинг қонуни яратилган. Бу қонунга кўра айрим тўқималар ва органларнинг ривожланмаслиги, уларнинг шу даврдаги ўсишининг интенсивлигига боғлиқ экан. Ўсишнинг эмбрионал ва пост эмбрионал давларида тўхтаб қолишга қараб ривожланмасликнинг учта асосий шакли эмбрионализм, инфантилизм ва ноотания ҳодисалари аниқланди.

М.Спивак (1990) хулосасига кўра, ҳар қандай сут йўналишидаги қорамолларни ўзаро частиштиришнинг самарадорлиги бузоқларни мақсадға мувофиқ ўстиришда кўп жиҳатдан боғлиқдир.

И.Ю.Карчевский (1984) фикрига кўра, бузоқларни юқори озиқлантириш даражасида ўстириш, юқори маҳсулдор сигирлар етиштиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

В.Г.Гугля, М.А.Наумова (1988) тадқиқотларида подани тўлдирувчи бузоқларни юқори озиқлантириш даражасида ўстиришни ташқил этиш, юқори маҳсулдор подалар яратишда муҳим омил эканлиги аниқланган. Молларни озиқлантириш даражаси 15% юқори бўлган сигирларни I-лактациядаги сут маҳсулдорлиги назорат гуруҳидагига нисбатан 209 кг юқори бўлганлиги кузатилган.

Т.Лифанов (1989) хулосасига кўра, бузоқларни дағал ва ширали озуқаларға бой рационларда жадал усулда ўстириш уларнинг пуштдорлик хусусиятларига ва туққандан кейин сут маҳсулдорлигига ижобий таъсир этганлиги кузатилган.

М.И.Аширов, М.О.Боратовлар (1982) хулосаларига кўра, подани тўлдирувчи бузоқларни ўстирилишнинг замонавий технологияси уларни

яхши озиқлантириш ва асраш шароитларида жадал усулда ташқил этилиши лозим. Шундагина бундай шароитларда ўстирилган бузоқлардан келгусида юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар етиштириш мумкин.

И.Н.Кудлай, И.С.Петруша (1988) маълумотларига қараганда, подани тўлдирувчи бузоқларни жадал усулда ўстириш кўкрак кафаси яхши ривожланган мустаҳкам бузоқ тузилишига эга сигирлар етиштириш имкониятини беради. Бузоқларни бундай ўстиришда улар рационда беда пичанини 25% га етказиш уларнинг кунлик ўсиш кўрсаткичларига салбий таъсир этган, лекин 18 ойлик ўстириш даврида уларга сарфланадиган омехта ем сарфини 271,3 кг га камайтириш имконини беради. Жадал усулда ўстирилган сигирлар I-лактацияда сут маҳсулдорлиги бўйича ўртача озиқлантириш шароитида ўстирилган тенгқурларига нисбатан ўртача 141 кг кўп сут берганлиги кузатилган.

Бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришда уларни тўла қийматли озиқлантиришни ташқил этиш билан бирга яхши асраш шароитларини ҳам ташқил этиш алоҳида амалий аҳамиятга эга. Шунинг ҳисобга олиб кўплаб муаллифлар бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришда уларни асраш усуллариغا катта эътибор берганлар. Шу боис М.И.Аширов, Э.Ю.Карчевский (1981) хулосаларига кўра, подани тўлдирувчи бузоқларни ўстиришда уларни эрта ёшдан фаол ҳаракат қилишини таъминловчи асраш шароитида ўстиришни ташқил этиш экстерьерери мутаносиб ривожланган ва юқори маҳсулдорликка эга моллар етиштириш имкониятини беради.

Л.Ф.Берднюк (1976) нинг ёзишича, молларни фаол яйратиш уларнинг умумий соғлиғига экстерьерерига, ички органларининг физиологик функцияларига ижобий таъсир кўрсатиб, бундай моллар турли ташқи муҳит шароитига чидамли бўладилар.

Ф.М.Авлаев (1991) тадқиқотларида бузоқларни фаол моцион асосида ўстириш уларнинг пушторлик хусусиятларини сезиларли даражада яхшилаган ва улар боғлаб ўстирилган тенгқурларига нисбатан биринчи марта

ўртача 9,6 кун эрта қрчган, уларнинг оталаниш даражаси 12%, тирик вазни 8,3 кг, туққандан кейин сут маҳсулдорлиги 144,9 кг ва сут ёғи чиқими 13,7% юқори бўлган.

И.Мақсудов (1994) нинг хулоса қилишича, Ўзбекистон шароитимизда подани тўлдирувчи бузоқларни йил давомида узоқ муддатларда очик майдончаларда асраш ва уларни фаол яйратиш, улар организмидаги алмашинув жараёнларини фаол кечишини таъминлайди ва бундай бузоқлар озуқаларни яхши истеъмол ва ҳазм қилиш хусусиятларига эга бўлади ва одатда бундай шароитларда ўстирилган сигирлар юқори сут маҳсулдорлигига эга бўладилар.

А.И.Тимофеев, Р.Г.Насыров (1988) маълумотларига кўра бузоқларни 18 ойлигигача йилнинг барча фаслларида очик майдончаларда гуруҳларда асраб ўстириш соғлиғи мустаҳкам, яхши маҳсулдорлик хусусиятларига эга моллар етказиш имкониятини беради.

В.Шостакнинг (1988) ёзишича, қизил чўл зотли бузоқларни ёшлигидан гуруҳларда боғламасдан жадал озиқлантириш даражасида ўстириш уларни биринчи марта 16-18 ойлигида 360-370 кг тирик вазн билан қочириш имкониятини беради ва бундай шароитларда ўстирилган ғунажинлар туққандан кейин етарли даражадаги сут маҳсулдорлигига ҳам эга бўлади.

В.М.Фантин (1979) тадқиқотларида подани тўлдирувчи бузоқларни ва ғунажинларни очик майдончаларда ўстириш соғлиғи ва конституцияси мустаҳкам молларни етиштириш имкониятини берган. Қиш даврида бундай майдончаларда ўстирилган бузоқларнинг клиник-физиологик кўрсаткичлари, қоннинг морфологик ва биохимик таркиби, алмашинув жараёнларинингжадаллиги ошган ҳамда бундай шароитларда ўстирилган моллардан олинган маҳсулот таннархи сезиларди даражада пасайганлиги кузатилган.

С.Ш.Исамухамедов ва бошқаларнинг (2000) хулосасига кўра, ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишига озиқа миқдорининг ритмик ўзгариб

туриши ҳам таъсир қилар экан. (А.П.Дмитриченко) Озиқлантириш даражасининг ҳар ойда кескин ўзгариб туриши бузоқларнинг ўсишига ва сигирларнинг сут маҳсулдорлигига ижобий таъсир этган. Ўсиш ва ривожланишга намлик, ёруғлик ҳам таъсир этар экан.

У.Носиров (2000) ёзишича чорва молларини асосан қорамолларни юқори миъёردа озиқлантиришда аввало етиштирилаётган озуқалар ҳажми ва унинг тўйимлилиги ҳамда молларнинг турли озуқа хилларига бўлган талабини қондиришга боғлиқ. Бунинг учун ажратиладиган экинлар майдонидан самарали фойдаланишга жадаллаштирилган технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг тарқатиш талаб этилади. Озуқа базасининг мустаҳкамланишининг самарали усулларида фойдаланиш ва мавжуд ҳосилдорлик кўрсаткичларини 3-4 баробарга ошириш заҳираларини ишга солиш лозим.

Т.А.Мисосотов ва бошқалар (1988) фикрича ёш бузоқларни очик ҳавода алоҳида сақлаганда айниқса ташқи ҳарорат - 10°C дан + 6°C гача бўлса улар организмнинг табиий чидамлилиги ошган.

www.leschinsky (2007) Светочной қишлоғида асосан Қирим миллати кишилари истиқомат қилишиб улар сут йўналишидаги қизил чўл зотидан кенг фойдаланишар ва уларнинг энг асосий фойда оладиган фактори ҳисобланар экан.

www.marinebio.org (2007) сайтида ёзишича 2004 йил сентябр ойида охирги маълумотларида турли ҳайвонларни хонакилаштириш ишлари ҳали ҳам давом этаётганини айтишади.

www.itg.be (2007) ёзишича голштин зотли букалардан кенг фойдаланиш маҳсулдорлик кўрсаткичларини оширишда энг асосий омиллардан бири эканлигини таъкидлашади.

www.ptcplus.com (2007) қизил чўл зотини урчитишда, қизил ола голштин зотидан ҳам кенг фойдаланишни айтишган. Бу букалардан олинган авлодлари кўсаткичлари ҳозирда 9000-10000 кг атрофида сут беради.

www.diss.ru. (2010) Известно, что скорость роста животного зависит от уровня обменных процессов в организме (Т.М. Свиридова, 1996, 2000, 2003; В.ИТ. Владимиров, М.П. Кириллов, В.М. Фантин и др., 1998; В.А. Иванов, В.С Мымрин и др., 2001) Одним из факторов, влияющих на обмен веществ, является кормление. Однако применяемые в хозяйствах рационы не всегда удовлетворяют потребности организма, в частности, в минеральных соединениях и особенно в зоне с недостатком их в почве, следовательно, и в кормах (В.В. Ковальский, 1974; Н.А. Уразаев, 1978; Б.С. Орлинский, 1979; В.Т. Само-хин, 1981; А.А. Кабыш, 1989; А.С. Павлов, 2003 и др.).

Юқорида келтирилган адабиёт шарҳларида бузокларнинг ўсиш, ривожланиши тизимлар бўйича ўрганилмаган. Бу айниқса қизил чўл зотли қорамолларни такомиллаштириш жараёнида жаҳон генофондига хос қора - ола зотининг генетик салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

II.1. Гўштор қора – ола зотли бузоқларни олиш.

Республикамизда урчитилаётган қора – ола қорамол зотларини яхшилаш учун хориждан келтирилаётган машхур зотларнинг буқалари уруғидан сунъий қочиришда фойдаланилмоқда.

Қора – ола зотини такомиллаштириш учун асосан қора - ола зоти буқалари уруғи ишлатилмоқда. Кейинги йилларда ҳар хил генотипдаги кўплаб дурагайлар олинган. Шу дурагайларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги “Сут булоқ” фермер хўжалигининг наслчилик фермасида, қора - ола зоти билан чатиштириб олинган учинчи бўғин дурагайлардан 10 бош урғочи ва 10 бош эркак дурагай бузоқларнинг, туғилганидан 6 ойликкача бўлган ўсиш ва ривожланишини ўрганилади.

1- жадвал.

Касби туманидаги “Сут булоқ” ширкат хўжалигининг наслчилик фермасида , қора - ола зоти учинчи бўғин дурагайларининг мутлоқ ва нисбий ўсиши.

Ёши,ой ҳисобида	Урғочи бузоқлар				Эркак бузоқлар			
	т\в, кг	Давр ичидаги ўсиш	Қунлик ўсиш, г	Нисбий ўсиш, %	т\в, кг	Давр ичидаги ўсиш	Қунлик ўсиш, г	Нисбий ўсиш, %
Туғилганда	30,4				32,3			
1-ойлик	53,0	22,6	753	74,3	54,0	21,7	723	67,1
2-	74,0	21,0	700	39,6	76,0	22,0	733	40,7
3-	95,0	24,0	800	32,4	99,0	23,0	766	30,2
4-	116,0	21,0	700	22,1	123,0	24,0	800	24,2

5-	138,0	22,0	733	18,9	146,0	23,0	766	18,6
6-	161,0	23,0	766	16,6	169,0	23,0	766	15,9

Бузоқларнинг тирик вазни 6 ойликкача урғочи бузоқларда ўртача 129,6 кг гача ва эркак бузоқлар 136,7 кг гача ошган ёки кундалик қўшимча ўсиш урғочи бузоқларда ўртача 720 граммни ва эркак бузоқларда 759 граммни ташкил қилган. Энг юқори кундалик ўсиш 3- 4 ойлик бузоқларда учраган. Бузоқлар ёшининг ортиб бориши билан нисбий ўсиш ёки ўсишнинг тезлиги пасайиб борган.

Эркак бузоқлар урғочи бузоқларга нисбатан анча тез ўсиб йирик вазнга эга бўлган. Тажрибадаги бузоқларга 50 кун давомида 300 кг қаймоғи олинмаган сут, кейинчалик 4 ойликкача 300 кг қаймоғи олинган сут ичирилган.

II.2. Янги туғилган бузоқларни парваришлаш

Чорвачилик фермер хўжаликларида ёш бузоқларни парваришлаш асосий муаммолардан бири ҳисобланиб, маҳсулдор сигирларни етиштириш ана шу муаммоларни қай даражада ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кунда четдан насилдор ҳайвонларни келтириш ҳисобига подани тўлдириш амалга оширилмоқда. Лекин четдан келтирилган ҳайвонларнинг маҳаллий иқлим шароитларига қийин мослашиши, уларнинг жуда қиммат эканлигини ҳисобга олсак, хўжаликнинг ўзида ҳайвонлар зотини яхшилаш, наслий хусусиятларини ошириш орқали келгусида подани тўлдириш учун бузоқларни хўжаликнинг ўзида етиштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачилик яхши ривожланган хўжаликларда бузоқ олишни режалаштириш, яъни йилнинг ҳар ойида бир хилда бузоқ олиш йўлга қўйилган бўлиб, бу билан бузоқларни парваришлаш ҳамда сут соғиб олиш режасини бажаришда қийинчиликлар туғилмайди.

Агар хўжаликда 100 бош қорамоллар мавжуд бўлса, шундан камида 30 боши сигир, 6 боши ғуножинлар, 9 боши 1 ёшдан катта урғочи бузоқлар, 15 боши 1 ёшгача урғочи бузоқлардан иборат бўлиши ва уларни алоҳида-алоҳида гуруҳларда парваришlash керак. Шундагина сигирларни ҳар 6-7 йилда бир марта алмаштириш имконияти яратилади.

Бузоқлар туғилгандан кейин уларни келиб чиқишига кўра ажратиш, келгусида подани тўлдириш учун мулжалланган бузоқларни алоҳида эътибор билан парваришlash лозим. Бунинг учун янги туғилган бузоқлар 15-20 кун давомида онаси билан биргаликда сақланиши ва улар учун етарлича шароит яратилиши лозим. Насиллик мақсадида ажратилган бузоқлар 6 ойликкача фақат ёғи олинмаган сут билан боқилиб, 1 бош бузоққа ўртача 250-300 кг ёғи олинмаган сут ичирилиши керак, бу вақт давомида дағал озиқаларни истемол қилишга ҳам ўргатиб борилади. Чунки бу ҳайвонларда маҳсулдорликнинг юқори бўлишига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Бузоқлар туғилганидан кейинги ҳаётида бир неча ўсиш ва ривожланиш босқичларини бошидан кечирадилар. Улар қуйидагилардир: 1. Янги туғилган давр (оғиз сути ичадиган давр), 10 – 15 кунлигигача. 2. Сут эмиш даври 5 – 6 ойлик ёшигача. Сут эмиш давридан сўнгги давр бўлиб, бу жинсий етилиш, навқиронлик, функционал фаолиятининг сермаҳсул даври ва қарилик сингари ривожланиш босқичларини ўз ичига олади.

Англия, АҚШ, Канада сингари чорвачилик юқори савияда ривожланган мамлакатларда бузоқларни биринчи 3 ойлигида кунига 450 – 500 г семиртириш кўзда тутилади. Ундан сўнг эса ўсимлик маҳсулотлари билан жадал боқилади.

Маълум вақт мобайнида озуқа танқислигидан ўсишдан қолиши келгусида мўл – кўл рационлар билан боқиш эвазига жадал ўстириб ўрнини тўлдиришни, ўсишни компенсация қилдириш дейилади. Узоқроқ

вақт мобайнида ва кўп миқдорда ўсишдан орқада қолишни тўлиқ компенсация қилиб бўлмайди.

Кейинги йилларда бузоқларни боқишда биринчи ой рацион тўйимлигини 70%, 2 ойда эса 130% қилиб озиклантириш усули ҳам қўлланилмоқда.

Янги туғилган бузоқни кулоқ, бурун, шилимшиқ моддаларидан тозалаб киндигини кесилган жойини дезинфекцияланади. Жунгларини эса онасига ялатиб ёки тоза сочиқ билан артиб қуритилгандан сўнг профилакторияларга ўтказилади ва қалин тўшама солинган индивидуал кафасга жойлаштирилади ва бу ерда оғиз сути ичириш даврида 10 – 15 кун сақланади.

Профилактория ёруғ, куруқ, яхши шамоллайдиган хона бўлиши керак. Янги туғилган бузоқ умуман иммунитетсиз туғилади. Улар оғиз сути орқали иммунитет моддаларини оладилар. Оғиз сутининг биринчи лукмусида 16,9%, 12 соатдан сўнг 9% ва 24 соат ўтгандан сўнг эса 2,6% альбумин ва глобулин оқсиллари (организмни иммунитет моддалари бўлган таъминлайдиган оқсиллар) учрайди. Шунинг учун бузоқ иложи борица оғиз сутидан биринчи соатларда бахраманд бўлиши керак.

Турли хўжаликларда бузоқларни парвариш қилишнинг ҳар хил усуллари қабул қилинган. Бузоқларни энага сигир ёрдамида ҳам эмдириб боқиш усуллари қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда бузоқлар ўз онасининг сутидан 5 – 7 кун эмизилгандан сўнг энага сигир сутига кўчирилади.

Янги туғилган бузоққа биринчи қултум оғиз сутини туғилганидан сўнг 30 – 50 дақиқа ўтгач ичириш керак. Бундан кечиктириш гамма – глобулинларга бой бўлган оғиз сутидан ўз вақтида фойдалана олмасликка олиб келади. Ўртача бузоқлар биринчи сут ичишида 1 – 1,5 л, айрим йирик туғилган бузоқлар эса 2 л гача ичадилар. Янги туғилган бузоқлар биринчи куни 5 – 6 л айримлари 7 л гача оғиз сути ичишлари

керак. Бунинг учун эса уларни биринчи кун 4 маҳал эмизишга қўйилади ёки шунча маротаба сутни соғиб ичирилади.

Келгусида эса бузоқларнинг саломатлигига ва иштаҳасига қараб кунлик оғиз ичиш меъёрини туғилган вақтдаги тирик вазнининг 1/5-1/6 улушига тенг қилиб белгиланади. 2-чи кундан бошлаб бузоқларга оғиз сут 3 маҳал ва 2 – 3 ҳафтадан сўнг эса оддий сугир сут 2 маҳал ичирилади. 5 кунлигидан бошлаб бузоқларга минерал озукалар (ош тузи, бўр) олдинлари сут билан ичирилади, кейинчалик эса концентрат озукаларга қўшиб едирилади. Тоза ичимлик суви билан бузоқларни янги туғилган вақтидан бошлаб таъминламоқ зарур. Лекин биринчи 20 кунлигида қайнатиб 15 - 20⁰С гача совутилган сувни сут эмизиш вақтидан 30 – 40 дақиқа олдин ёки сўнг бериш керак, ундан сўнг эса оддий сувни ичириш маъқулдир.

Яйратишга 7 кунлигидан бошлаб чиқарилади, қишда тозаланган ва охурларига барра пичан солинган яйратиш майдончаларига чиқарилади. Ёзда эса иложи бўлса уларни катта ёшдаги моллар боқилмаган ва қўп йиллик ўсимликлар экилган махсус яйлов пайкалларига чиқариб яйратган мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бузоқларни боқиш учун ЎзЧИТИ (Ўзбекистон чорвачилик илмий – текшириш институти) томонидан тавсия қилинган 3 та тизим бўлиб, унда 12 хил вариантлар таклиф қилинади. Бу тизимлардаги асосий фарқ уларнинг ўртача кунлик ўстирилиши, сарф қилинадиган сут ва концентрат озукалар миқдорига боғлиқдир. Булардан ташқари насл учун ўстириладиган буқачалар ҳамда келгусида гўшт учун боқиладиган бузоқларни 6 ойлик давригача боқиш учун алоҳида тизимлар келтирилган.

Сунъий сутни қўллашга мослашган усулларда соф сут биринчи 10 кундан сўнг сунъий сутга ўтказилиб 20 – 50 кун мобайнида сунъий сутни талқони сувда эритилиб (1,1 : 10 нисбатда) берилади.

Ўзбекистон шароитига хос бўлган ёш бузоқлар учун сунъий сут рецептини ЎЗЧИТИ (Ўзбекистон чорвачилик илмий – текшириш институти) олимлари томонидан ишлаб чиқилгандир. Бузоқларни яхши сифатли пичанга эрта ўргатиш уларни меъда олди бўлимларнинг фаолиятини яхшилайти ва бундай бузоқларда 20 – 25 кунлигидаёқ мунтазам кавш қайтариш жараёни намоеън бўлади. Концентрат озукага ҳам барвақт ўргатиш керак, 7 – 10 кунлигидан бошлаб концентрат озукаларни авваллари сутга аралаштириб кейинчалик эса уларни курук ҳолда ҳам берса бўлади. Илдизмеваларни едиришга 21 кунликдан нордон бўлмаган силосга эса 50 – 60 кунликдан бошлаб ўргата бошлаш керак. Силоснинг бир қисмини тўйимлигига мос равишда яхши сифатли сенаж билан алмаштириш мумкин.

Баҳор ва ёз ойларида туғилган бузоқларни парваришlashда 10 – 15 кунлигидан кўк ўт истеъмол қилишга ўргатилади. 4 – 6 ойликдаги бузоқларни ўсиш ва ривожланиши баҳоланиб уларни келажакда қандай мақсад учун қўлланиши ҳақидаги режалар яна бир бор кўриб чиқилади. Бу даврда боқишда уларни жуда эрта балоғатга етишидан ёки балоғатга етишиши кечикиб кетишидан асраш ҳамда эркак ва урғочи бузоқларни алоҳида сақлаш керак. Бузоқлар учун озуқа нормаси бузоқнинг жинси, тирик вазни, ёши ва кунлик ўртача ўсиш кўрсаткичларига қараб белгиланади. Уларнинг рационда витаминлар, макро - микроэлементларБузоқларни курук моддага бўлган талаби 100 кг тирик вазни учун ёшига қараб камайиб, энергия ва бошқа тўйимли моддаларга бўлган талаби эса кунлик ўсиш жадаллигига қараб ўсиб боради.

II.3. Бузоқларни боқишда оғиз сутининг аҳамияти.

Сигирлар туққандан бошлаб бир неча кунгача соғиб олинadиган сут *оғиз сuti* дейилади.У химиявий таркибига кўра ва ташқи кўринишидан сутдан фарқ қилади. Ранги сарик, бир оз шўрроқ, ёпишқоқ, бўлиб исталганда

чириб тушади. Унинг ижобий хоссаларидан бири оксилга, айниқса альбумин ва глобулинга бой бўлишидир. Бу моддалар ёш организмда тез ва тўла ҳазм бўлади. Кун сайин оғиз сутидаги альбумин билан глобулин миқдори камайиб, казеин ортиб боради.

Оғиз сутида минерал тузлар оддий сутдагига қараганда деярли икки барабар кўп бўлади. Бу тузлар ичида фосфор билин кальций ҳам салмоқли ўрин тутди, бинобарин, улар ёш организмнинг суяк скелети мустаҳкам ривожланишига имкон беради.

Оғиз сутининг афзалликларидан яна бири унинг таркибида имунитет ҳосил қилувчи бузоқчалар билин ферментлар кўп бўлишидир. Имунитет ҳосил қилувчи бузоқчаларнинг кўп бўлиши оксилга, айниқса глобулинга боғлиқ эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, ферментлардан *пероксидаза* ва *каталаза* учрайди.

Оғиз сути янги туғилган бузоқлар учун энг асосий оғиз ҳисобланади. Сут таркибининг аста секин ўзгариши билан бузоқлар ҳам ем хашак ейишга ўрганиб боради. Имунитет ҳосил қилувчи бузоқчалар кўн бўлиши ёш организм турли хил касалликлардан сақлайди. Унинг бузоқсидаги микрофлорин тозалаш ва йўқотиш имконига эга бўлади.

Сут саноатида оғиз сутидан фойдаланмайди, чунки унинг таъми ва мазаси унга ёқимли бўлмайди, бинобарин, агар ундан бирор сут маҳсулоти тайёрланса, унинг сифати паст ва тез айнийдиган бўлади. Шунинг учун янги туққан сигирлар бузоғи дастлабки кунларда оғиз сути билан боқилади.

Оғиз сутининг таркиби ҳар хил сигирларда турлича бўлиши аниқланган. Масалан, З.Х Диланян маълумотиغا кўра, оғиз сутининг таркиби қўйидагича: 66,40% сув; 33,60% қуруқ моддалар; 6,50% ёғ; 22,49% умумий оксил; 5,57% казеин; 16,92% альбумин билан глобулин; 2,13% сут шакари; 1,37% кулдан иборат, солиштирма оғирлиги 1,0826 га тенг. Оғиз сутининг таркибидаги химиявий моддолар миқдори оддий сутдагига қараганда кўпроқ бўлиши аниқланган.

Оғиз сути таркибида ҳар хил тузлар эритмаси кўп бўлиши бузоқлар ошқозон ичак системасининг яхши ишлашини тامينлайди ва улар ичагини дастлабки қолдиқдан тозалашда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга оғиз сутининг кислоталилиги юқори бўлиши янги туғилган бузоқнинг ошқозон ширасида етишмайдиган хлорид кислотанинг ҳам ўрнини босади.шундай қилиб оғиз сути янги туғилган бузоқлар учун жуда муҳим ҳаётий ўрнини бошқа моддалар билан алмаштириб бўлмайдиган озиқ хисобланади.Шу озиқ туфайли улар ташқи муҳит таъсирларига чидамли бўлиб ўсади ва ривожланади. Уларнинг ҳар хил юқимли ва юқумсиз касалликларга юўлган қапшилиги ортади шунингдек соғлом ва бақувват бўлиб ўсишда давом этади.

II.4. Сут ичириш даврида бузоқларни озиқлантириш

Сутбоп сигирларни сифат жихатидан тез яхшилалаш ва уларнинг махсулдорлигини янада ошириш зоотехния фанининг ғоят муҳим вазифаларидан бири бўлиб,подани тўлдирадиган бузоқлар ўстиришниг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқишидир.Хозирги вақтда олимлар ва амалйотчилар молларни биз учун манзур бўладиган томон ўзгартиришни тامينлайдиган (организимларни хосил қилиш жарайонларига оқилона аралашиш имконини берадиган) самарали методлар ишлаб чиқаришган.Шундай методлардан бири қорамол бузоғини муайян йўналишида ўстиришдир.

Муайян йўналишида ўстириш-бу маълум мақсадга ва улардан муайян ўроитларда фойдаланиш учун молларни парваришлани ўаккаўтириш жараёнидир.

Бузоқларни муайян йўналишда ўстиришни,индивидуал ривожланишини онли равишда бошқариб,ундан биз учун манзур хусусиятлари,махсулдорлик кўрсаткичлари юқори сигирлар етиштириш мукин.

Бузоқлар хаётининг постэмбронал даврида, улар сут ичириш даврида кандай ахмият берилади. Бузоқларнинг сут ичириш даври огиз сути давридан ва 3 ойгача, баъзан эса, ўстириш мақсадларига қараб, ундан ҳам кўпроқ давом этади. Бу давр давомида бузоқлар аста-секин кўкат озиқларга зта бошлайди.

Маълумки, янги тугилган бузоқда ширдон яхши ривожланган бўлмайди, у фақат сутли озиқаларни хазм қилади, ошқозоннинг бошқа озиқларни хазм қила бошлаган бўлинмалари: ширдн, тўрқоринва қатқорининг фаолияти эса суст ривожланган бўлади. Дастлабки ёшдаги бузоқларда сут билан бирга кирган тўйимли моддалар ширдонда ва ичакларда хазимланади, яъни бу даврда ичакда хазимланишустун туради. Кейинчалик, бузоқлар ўсган ошқозон олди бўлинмалари ҳам овқат хазм қилиш жарайонига қзшилади. 10-15 кунлигида бошлабоқ бузоққа кўкат озиқ буриш ошқозон олди бўлинмаларининг ривожланиши тезлаштиради, бузоқлардаги кўкат озиқлар ейиш ва хазм қилиш қобилиятини ошради.

Сут ичириш даврида бузоқларга бериладиган сутли озиқ миқдори алохида ўрин тутати. Илмий маълумотларда бузоқларни сут билан озиқлантириш даражаси тўғрисида ҳамда бундай озиқлантиришнинг келгуси сут махсулдорлигига ва насидорлик сифатларига таъсири тақида хъар хъил фикрлар айтилади.

Жумладан, бизнинг маълумотларимизга сут ичириш даврида бузоқларга 300 кг дан ёгли сут ва 400 кг дан ёғи олинган сут ичириш ҳамда уларни 10 кунлигидан эътиборан кўкат озиқлар ва қонцентрат озиқаларга ўргатиш-сут ичириш даври охирига бориб қора-ола зотнинг тўлиқ қаноатланарли, етарлича ривожланган уч ойлик бузоқларни олиш имконини бурди. Бу ёшдаги пода тўлдирадиган бузоқлар 95-100 кг дан тош босди.

Демак, бузоқлар кўкат озиқларга барвақт ўргата бориб, ичкизиладиган ёгли сут миқдорини камайтириш мумкин ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитида эса бу жуда зарур.

II.5. Ёш буқаларни озиқлантириш схемаси бўйича боқиш.

Амалда бузоқлар 6 ойликкача нормалар бўйича эмас, балки озиқлантириш схемалари бўйича боқилади. Бу схемалар нормаларга мувофиқ ҳамда конкрет хўжалик ўроитини ҳисобга олиб тузиб чиқилади. Ихтисослаштирилган хўжаликларда ўстирилаётган бузоқларни тахминий схемаси 2-жадвалда кўрсатилган.

Тугилгандан эътиборан дастлабки 30-40 кунда тирик вазнининг ҳар 5-6 килограммига 1 л ҳисобидан сут ичирилади. Шу даврида енг кўп сут бериш иккинчи, учинчи ўн кунликка тўғри келади.

6 ойгача бўлган бузоқларни ўстириш ва озиқлантириш схемаси

Ёши		Давр охиридаги тирик вазни, кг	Суткада бериладиган озукалар, кг				Минерал озукалар, г	
ой	декада		Сут		Кўк ўтлар озукаси	Омихта ем	Ош тузи	Преци питат
			Соф сут	Ёғи олинган				

I	1-чи	53	7	-	-	-	-	-
	2-чи		7	-	-	-	5	5
	3-чи		7	-	-	-	5	10
1 ойда			210	-	-	-	100	150
	4-чи		7	-	0.2	-	10	10
II	5-чи	74	4	4	0.3	-	10	10
	6-чи		-	8	0.5	-	10	10
						-	300	300
2 ойда			110	120	10.0	-	10	15
	7-чи		-	8	0.6	-	10	15
III	8-чи	95	-	8	0.8	-	10	15
	9-чи		-	8	1.1	-	300	450
			-		25.0	-	15	15
3 ойда			-	240	1.2	-	15	15
	10-чи		-	6	1.3	0.5	15	15
IV	11-чи	116	-	6	1.5	1.0		
	12-чи		-	6				
			-	180	40.0	15.0	450	450
V			-					
	13-чи		-	4	2.0	1.0	15	20
	14-чи		-	2	2.5	1.5	15	20
5 ойда	15-чи	138	-	-	2.5	2.0	15	20
			-	60	70.0	45	450	600
	16-чи		-	-	2.5	3	20	20
VI	17-чи	160	-	-	3.0	5	20	20
	18-чи		-	-	3.0	6	20	20
6 ойда					85.0	140	600	600
Жами 6 ой давомида			320	600	230	200	2200	2550

Шундан кейин бериладиган ёгли сут миқдори ярмига камайтирилади ва унинг ўрнига ўшанча миқдор ёғи олинган сут берилади.

Уларнинг турли вақтда: масалан, ёғли сутни эрталаб, ёғи олинганнини кечкурун ичирилади. Бундай озиқлантиришни бузоқ 60 кунлик бўлгунча давом эттиради, сўнгра ёғли сут билан боқиш тўхтатилади ва фақат , ёғи олинган сут ичиришга ўтказилади.

Бузоқларга ёғи олинган сут ичира бошлангандан кейин рационда энергия ваёгда эрийдиган А ва Д витаминлари камаяди. Бунинг олдини олиш мақсадида ёғи олинган сут билан бирга бузоқларга енгил хазмланадиган концентлар, яхши пичан сўнгра эса ширали озиқлар ҳам бурилади. Шу билан бир вақтда ош тузи, бўр, витаминли препаратлар ва антибиотиклар бериш зарурдир. Ёғи олинган сут ё мутлақо янгилигида албатта тоза холида ичирилади. Ачий бошлаган, шунингдек, сут пунктларида ифлосланган ёғсиз сутни ичириш мумкин эмас.

Сутни бузоқларга алохида- алохида пластмасса идишларда ёки сўргичли идишлардан ичирилади. Ичириш пайтида сутнинг харорати дастлабки ойда 35 С иккинчи ойда 30-35 С ва ундан кейинги ойлarda 20-25 С бўлмоғи курак.

Шуни таъкидлаш куракки, совуқ сут бузоқнинг ширдонидан жуда секин ва хазм бўлиши издан чиқади. Масалан, маълум бўлишича 35 С даражадаги сутнинг ивиши учун 5 минут, 30 С даражадагиси учун 8 минут, 20 С да 24 минут, харорати 15 С бўлганда еса қарийб 5 соат вақт керак бўлади. Шу боисдан, агар сут ёғи олинган сутнинг харорати паст бўлса, уларни иситиб олиш керак.

Бузоқлар рационал қўшимча А, Д ва Е витаминли препаратлар, кўкат уни қўшилади. Ош тузи, фосфор-кальцийли қўшимчалар охурларда доим бўлиши керак. Микроэлементларни мавжуд нормалар асосида рационал қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Сут ичириш даврида бузоқ боқишни ташкил утишнинг ғойат муҳим омилларидан бири-уларн ўсимлик озиқларига барвақт ўргатиш дир. Бу, сиқмада озиқ хазмланишини кучайтиради ва кейинчалик рационалнинг асосий

ўсимлик озиқаларидан фойдаланишни берди. Бузоқ, озиқлантиришдаши кескин ўзгаришларга жуда сезгир бўлади. Шу боисдан уни янги озиқаларга суткалик нормасини кескин оширмаслик ва камайтимаслик, боқиш режимига қатъий амал қилмоқ лозим.

Сут ўриндошининг рецептлари ҳар хил бўлиши мумкин. 50% дан 80% гача ёғи олинган қуруқ сут, мой қўшилмалари, витаминлар ва минерал моддалар ҳамиша уларнинг замини бўлиб қолади.

Ёғли сут ўриндошларининг сифати унинг таркиби билан белгиланади. Сут ўриндоши хўжаликнинг ўзида ҳозирланганида унинг рецептини соддалаштиришга йўл қўйиб бўлмади, акс ҳолда у қимматини йўқотади, ундан фойдаланишнинг ҳам ҳафи бўлмайди. Ёғли сут ўриндоши фақат янги тайёрланган ҳолда бузоқларга ичирилиши керак.

II.6. Буқачаларни сут давридан кейин боқиш.

Сут ичириш давридан кейин бузоқ ўстириш ҳам унинг экстеръери ва сут маҳсулдорлигини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бузоқларнинг нормал ўсиши, ривожланиши ва ўз вақтида қочишини таъминлайдиган тўла ҳимматли озиқлантиришни ташкил этиш юқори маҳсулдорсигирлар ўстиришнинг асосидир. Демак, бузоқлар ўстиришда, уларнинг организмда ўзгариш ҳосил қиладиган ғоят муҳим омиллардан бири озиқлантириш ҳисобланади.

Бузоқларни озиқлантириш типи кучли таъсир этувчи омил ҳисобланади, у бутун организмнинг ва ички аъзоларнинг ўсиши ҳамда ривожланишини ўзгартира олади, шунингдек, уларнинг кейинчалик сут маҳсулдорлигини вужудга келтиришга бевосита таъсир кўрсатади. Демак, пода тўлдирувчи бузоқларни сут ичириш давридан кейин боқиш ташкил этилганда уларнинг яхши ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олиш, молларни дағал, ширали ҳамда кўкат озиқлардан яхши фойдалана олиш. Ёз мавсумида бузоқларнинг рацион асосан кўкат озиқлардан иборат бўлади. Шундай қилиб, сут ичириш давридан кейин бузоқчаларнинг

рационлари улғайган моллар рационига максимал даражада яқинлаштирилиши, қишда имкони борича дағал ва ширали озиқлар кўп бўлиши, ёзда кўкат озиқлар кўп, концентрат озиқлар иложи борича камроқ бўлиши керак, айтили вақтда ўсаётган организмнинг асосий озиқ элементларига – ҳазмланадиган протеинга, минерал моддалар ва витаминларга талаби тўла – тўқис қондирилмоғи, яъни озиқлар баланслаштирилган бўлмоғи лозим. Маромига етказилган рационлар билан таъминланган бузоқлар тез ўсади ва кейинчалик юқори маҳсулдорликка эришади, озиқлар эса максимал даражада самара беради.

3-жадвал

Ёши 3 ойликдан 6 ойгача бўлган бузоқларни озиқлантиришнинг тахминий схемаси (УЗНИИЖ)

Ўстириш кунлари	Қиш даврида				Ёз даврида		Минерал қўшимчалар	
	Концен тратлар	пичан	силос	сенаж	Концен тратлар	Кўкат озикалар	Ош тузи	бўр
91 – 100	1,3	1,4	2,0	1,0	1,3	8,0	15	20
101 – 110	1,3	1,5	2,0	1,0	1,3	10,0	20	20
111 – 120	1,4	1,5	3,0	1,0	1,4	10,0	20	20
121 – 130	1,4	2,0	3,0	1,5	1,4	12,0	20	20
131 – 140	1,3	2,3	4,0	1,5	1,3	13,0	20	20
141 – 150	1,3	2,3	5,0	1,5	1,3	14,0	20	20
151 – 160	1,0	3,0	2,0	1,5	1,0	15,0	20	20
161 – 170	1,0	3,0	6,0	1,5	1,0	20,0	20	20
171 – 180	1,0	3,0	7,0	1,5	1,0	20,0	20	20
Жами :	110	205	370	120	110	1220	1750	1800

10-15 кунлик бузоқлар туғриқхонадан бузоқхонага ўтказилиб у ерда сут ичиш даврини охиригача гурухли хоналарда парвариш қилинади. 10-15 бузоққа мўлжалланган хоналар бир бош ҳисобига 1,5-2,0 метр квадрат майдондан тўғри келади. Бундай гурухларнинг катта ёки кичиклиги мол сонига қараб ташкил қилинади. Лекин ҳар бир гурухдаги бузоқлар ўзаро

тенгдош бўлиши ва фарқи 10-15 кундан ошмасликлари лозим. Бузоқларни озиклантириш учун соғлом сигирлар сутидан фойдаланилади.

Бузоқларга бериладиган сут ва ёғи олинган сут микдори қабул қилинган сут ичириш схемасига боғлиқ. Сут бериш давомийлиги 3-5 ойли бўлиши мумкин. Агарда, сут ичириш схемасига кўра, сут микдори кам бўлса унда сут бериш 50-60 кунгача давом этади. Бу даврда бузоқларни озиклантириш уларни зоти, наслдорлиги ва ишлатилиш мақсадига ва ҳамда туғилиш фаслиги, ёш молларни ўстириш режасига қараб ўстирилади. Сермахсул наслдор сигирлардан олинган бузоқларни жадалроқ парваришлаш мақбул. Сут ва ёғи олинган сутни ичириш, концентрат ва ширали озиклар микдорига қараб, озиклантиришнинг умумий тўйимлик меъёри ва нормасига асосланиб тузилади. Бузоқларни биринчи 40 кунликда уларнинг туғилгандаги тирик вазнининг 17-20% ҳисобидаги микдорда сут берилади. Жумладан, бузоқларнинг туғилгандаги вазни 20 килограмм бўлса 3,5-4кг сут берилади. 30кг бўлганда 5-6кг ва х.к. Шундан сўнг сут бериш микдори 4 ойлигига қадар камайтирилади.

Агарда, хўжаликда ёғи олинган сутдан фойдаланиш имконияти бўлса, унда бузоқларнинг 40 кунлигидан бошлаб берилаётган соф сутнинг ярми ёғи олинган сут билан алмаштирилади. Бунда 5-10 кун давомида соф сут эрталаб, ёғсизлантирилгани эса кечкурун бериб борилади. Шу муддатдан сўнг соф сут бериш тўхтатилиб, тўлиқ ёғсизлантирилган сутни беришга ўтилади. Ёғи олинган сутдан бериш бузоқларнинг 5-6 ойлигига қадар давом этиши мумкин.

Бузоқлар учун махсус қуриштиш технологияси асосида витаминли беда пичанларини таёрлаш тавсия қилинади. Концентрат озиклар – майин кепак ёки махсус тайёрланган омехта емлар бузоқларнинг 15-20 кунлигидан, ширали озиклар эса 30-35 кунлигидан бошлаб берилади. Катта шаҳарлар ҳамда саноат корхоналар атрофида жойлашган товар йўналишидаги сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган ширкат ва фермер хўжаликларда сут

бериш схемаси 200кг микдоргача камайтирилиши мумкин. Бунда бузоқлар 12-15 кундан бошлаб концентрат озиқаларни истемол қилишга ўргатилади. 11кундан бошлаб бузоқларга тўлиқ қийматли сунъий сут берилади. Сунъий сутлар куруқ кукун холида тайёрланган бўлади. Унинг таркибини асосан (80%) ёғи олинган сут ташкил этади. Уларга 1кг кукун хисобида қуйидагилар қўшилади: 30 ИЕ микдорида А витамини концентрати, 8-10 ИЕ микдорида Д витамини концентрати, ҳамда 50мг антибиотик.

1,25 кг кукуннинг тўйимлиги 10кг соф сутга тўғри келади. Сунъий сут тайёрлашда 1,25 кг кукунга 8,75 литр сув қўшилади. Сут ичириш схемасининг ўртача меъёрида (кунига 6 кг гача) 2маротаба озиқлантиришни ташкил этиш мақбул. Агарда кўп микдорда ичирилганда 10-15 кунгача 3маротаба ва сўнг 2 маротаба озиқлантириш қўлланилади.

Қишда айвон остида сақланадиган бузоқлар 10-15 кунлигидан, очик яйратиш майдончаларига чиқарилади, яйратиш муддати 1-кунлари 10-20 минутдан, кейинроқ 2-4 соатгача узайтирилади. Қиш ва эрта баҳорда бузоқларнинг зах ва қорда ётиб қолмаслиги назоратга олинади. Ёз ойларида 3-4 ойлик бузоқлар сифатли беда ўти билан таъминланганда концентрат озиқалар микдорини 30-40% гача камайтириш мумкин. Ёз даврида 3-4 ойлик бузоқлар кўк беда ўтларини 6-10 кг гача, 5-6 ойликлари 14-18 кг гача истемол қилиши мумкин. Шунинг учун бузоқларни сут ичиш даврида нормал озиқлантириш ва парваришlash соғлом, махсулдор ва хаётчан моллар етказишда муҳим аҳамиятга эга.

III. ИЗЛАНИШЛАР ТАҲЛИЛИ

3.1. Изланишлар ўтказилган хўжаликнинг қисқача тавсифи.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги қора – ола зоти бўйича барча наслдорлик хўжаликлардан “Сут булок” фермер хўжалигида илмий тадқиқот таҳлили ўтказилган (2009-2010 йил). Бу хўжалик 1984 йилда «Қизил шалола» наслчилик хўжалиги билан «Чиноз» наслчилик заводидан

сигирлар сотиб олиш йўли билан ташкил топган. « Бура ота » фермер хўжалигининг асосий вазифаси ёш наслчилик бузоқ ва бузоқларни ўстириш ҳамда моллар махсулдорлигини кўтаришдир. Хозирги пайтда хўжалик (выранжировка) – подадан четлаштирилган сигирларни ва ортиқча буқаларни бошқа хўжаликларга сотади. Хўжаликларда наслчилик ҳисоб-китоб ишлари яхши ишга қўйилган.

Бузоқ ўстириш, уларни қочириш ва туғдириш, ҳамда моллар махсулдорлигини ҳисоблаш ишлари бўйича махсус ҳужжатлар-журналлар мавжуд 2-мол карточкалар олиб борилади. Ветеринария-санитария ишлари яхши йўлга қўйилган. Наслчилик ишларининг рационал системалари, жуфтлаштириладиган молларни тўғри танлаш ва саралаш, уларни тўла қийматли озиқлантириш, тўғри парваришлаш, боқиш ва машқ қилдириш, юқори махсулдор, касалликларга чидамли ва юқори даражада модда алмашинадиган сигирлар ўстириш имконини беради.

Сутбоп моллар ўстиришнинг яхши ишлаб чиқилган системасидан фойдаланилганда махсулдор сигирлар туёғини кўпайтириш ва паст махсулли молларни камайитириш мумкин. Бузоқлар ҳаётининг пост эмбрионал даврида, улар сут ичириш даврида қандай ўстирилганига алоҳида аҳамият берилади. Бузоқларнинг сут ичиш даври оғиз сути давридан кейин бошланади ва 3 ойгача, баъзан эса, ўстириш мақсадларига қараб, ундан ҳам кўпроқ давом этади. Бу давр давомида бузоқлар аста-секин кўкат озиқларга ўта бошлайди.

Бузоқларни дастлабки ойларида тўғри боқиш шу даврда ўсишгагина эмас, балки ундан кейинги ривожланиши ва махсулдорлигига ҳам таъсир кўрсатади. Кўкат озиқларининг тўйимли моддаларини хазм қилиш ва улардан фойдаланиш даражаси айнан шу даврда вужудга келади. Шу давр давомида бузоқларни озиқлантириш мол зотини наслдорлик қийматини, молнинг белгиланиши ва хўжаликнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда нормаллаштириладиган ҳолда бўлади.

Маълумки, янги туғилган бузоқда ширдон яхши ривожланган бўлмайди, у фақат сутли озиқларни хазм қилади. Ошқозоннинг бошқа озиқларни хазм қила бошлаган бўлинмалари: ширдон, тўрқорин, ва қошқориннинг фаолияти секинлашади.

3 ойгача озиқлантириш схемаси:

Ўсти риш кун лари	Қишки мавсум						Ёзги мавсум					
	ёғли сут	Ёғ сиз	Кон цен трат лар	пичан	силос	сенаж	ёғли сут	Ёғ сиз	Кон цен трат лар	Ош тузи	бўр	Кў кат озик лар
15-20	6	-	-	ўргатиш	-	-	6	-	-	5	5	-
21-30	6	-	0,1	0,1	-	-	6	-	0,1	5	5	1,0
31-40	4	4,5	0,2	0,2	-	-	4	4,5	0,2	10	10	1,5
41-50	3	6,5	0,3	0,3	-	-	3	6,5	0,3	10	10	2,0
51-60	2	7,5	0,5	0,5	-	-	2	7,5	0,4	12	12	3,5
61-70	-	7,5	0,8	0,7	0,8	1,0	-	7,5	0,8	15	15	4,0
71-80	-	7,5	1,0	1,0	1,0	1,0	-	7,5	1,0	15	15	6,0
81-90	-	6,5	1,2	1,2	1,2	1,0	-	6,5	1,2	15	15	8,0
Мавсум давоми да жами	210	400	40	40	30	30		400	40	870	870	260

Сутни бузоқларга алоҳида-алоҳида пластмасса идишлардан ёки сўргичли идишлардан ичирилади. Ичириш пайтида сутнинг харорати дастлабки ойида 35⁰, иккинчи ойида 30-35⁰ ва ундан кейинги ойларда 20-25⁰ бўлмоғи керак. Бузоқлар туғилгандан кейин биринчи ой охири – иккинчи ой бошидан эътиборан кўкат ейишга ўргатилади. Уч-тўрт ойлик бузоқлар яна

ўсганда юксак даражада сут махсулдорлигини намоён қиладиган типда шакллантириш зарурдир. Бу даврда тўла қимматли озиқлантиришнинг асоси уларни энергияга, хазмланадиган протеин, кальций, фосфор, микроэлементлар, витаминларга, аввало А ва Д витаминларнига эҳтиёжини тўла кондиришдан иборат бўлиши керак.

Қиш мавсумида юқори сифатли пичан яхши оқсил ва минерал моддалар манбаи ҳисобланади. 6 ойдан ошган бузоқларни яхши сифатли пичан, силос ва сенаж бериб, ўртача суткалик эт қўшилишини (концентратларсиз) 600 граммгача етказиш мумкин. Бироқ бу озиқлар етарлича яхши сифатли бўлмаганда, шунингдек яна ҳам юқори даражада эт қўшилиши мўлжалланганда, бузоқларни суткасига ҳар бошга 0,5-1 кг ҳисобидан концентратлар билан боқиш керак. Қиш даврида бузоқчалар рационда аксари протеин ўрнини тўлдириш мақсадида турли хил оқсилли қўшилмалар қўллаш мумкин. Бу оқсилли қўшилмалар концентрат озиқларга аралаштириб берилади. Мавжудлиги билан ҳамда моллар уларни нечоғлик нисбатда яхши ейиши ва ўзлаштириши билан белгиланади. Таркиби турлича бўладиган рационлар молларнинг иштаҳасига ва хазм қилиш жараёнларига турлича таъсир этади. Рациондаги озиқлар нотўғри тузилганда, уларни мол яхши емайди. Масалан рациондаги концентратлар улуши катта бўлганда моллар дағал ва ширали озиқларни ҳам истеъмол қилади. Бунинг оқибатида озиқнинг тўла қимматлилиги пасаяди ва бу ҳол хайвон организмида кечадиган модда алмашувини издан чиқариши мумкин. Шу боисдан рацион тузишда уни тўйимли моддалар таркиби ва озиқларнинг хили 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Қиш ва ёз мавсумида озиқлантириш рацион

Ўсти риш	Қишки мавсум	Ёзги мавсум (минерал моддалар, қўшимчалар)
-------------	--------------	---

кун лари	Кон цен трат лар	пичан	силос	сенаж	Кў кат озиқ лар	Ош тузи	Кон цен трат лар	бўр
91- 100	1,3	1,4	2,0	1,0	8,0	15	1,3	20
101- 110	1,3	1,5	2,0	1,0	10,0	20	1,3	20
111- 120	1,4	1,5	3,0	1,0	10,0	20	1,4	20
121- 130	1,4	2,0	3,0	1,5	12,0	20	1,4	20
131- 140	1,3	2,3	4,0	1,5	13,0	20	1,3	20
141- 150	1,3	2,3	5,0	1,5	14,0	20	1,3	20
151- 160	1,0	3,0	5,0	1,5	15,0	20	1,0	20
161- 170	1,0	3,0	6,0	1,5	20,0	20	1,0	20
171- 180	1,0	3,0	7,0	1,5	20,0	20	1,0	20
жами	110	205	370	160	1220	1750	110	1800

Ёши 6 ойликдан ошган бузоқларнинг рационлари камида 550-600гр эт кўшилишига, 12 ойликкача интенсив ўстирилганда эса ўртача суткалик эт кўшилиши 650-700 грамм бўлишига мўлжаллаб тузилиши керак.

**Ёши 6 ойгача бўлган пода тўлдирувчи бузоқларнинг тахминий
суткалик рационни.**

ОЗИҚЛАР	Қишки давр		Ёзги давр	
	кг	Озиқ бирлиги	кг	Озиқ бирлиги
Беда пичан	3,0	1,47	-	-
Маккажўхори силос	8,0	1,6	-	-
сенаж	2,0	0,68	-	-
Кўк беда	-	-	12,0	1,84
маккапоя	-	-	10,0	1,70
Концентратлар	1,0	1,0	1,0	1,0
Ош тузи	0,03	-	0,03	-
Жами	-	4,75	-	4,54

Молларнинг физиологик эҳтиёжларига максимал даражада яқинлаштиришга ҳаракат қилмоқ керак. Хўжаликларда ўстирилганда сут бериш давридан ошган бузоқларни боқишнинг тахминий схемаси 3-жадвалда келтирилган.

3.2. Тажриба гуруҳларидаги бузоқларни озиқлантириш (6 ойгача).

Бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришда кўзланган тирик вазнига эришишда озиқлантириш омили алоҳида ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам илмий тадқиқотларда тажриба молларига теккан озиқалар харажатни ҳисобга олиш ва назорат қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Молларнинг озиқлантириш меъерларини жадаллаштириш эса ўзининг ижодий самарасини

беради. Молларни озиклантиришда хар 10 кунда берилган ем-хашак озикларни ўлчаб турадилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, қора ола зотли бузоқларни ҳозирги давр технологияси жараёнида фермер хўжаликларида жадал ўстириш принциплари замирида олиб борилиши, унда ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз ташкил этилиши керак. Шу боисдан сутбоп қорамолларнинг сифатини яхшилаш ҳамда бузоқларни ўстиришга сарфланган харажатларни камайтириш мақсадида кейинги йилларда мамлакатимизда бузоқ боқиш ва парваришлаш бўйича фермер хўжаликлар ҳамда кўшимча бирлашмалар барпо этилмоқда.

3.3. Буқалар тирик вазнининг ёши бўйича ўзгариши, кг.

(ўртача кунлик, мутлоқ ва нисбий)

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш даражасини баҳолашда уларнинг тирик вазни асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Жадвал 3да тажриба гуруҳларидаги бузоқлар тирик вазнининг ёши бўйича ўзгариши келтирилган.

6-Жадвал

Ёши, ойлар	Гуруҳлар	
	I	II
Туғилганда	27,2	26,6
3	76,6	72,6
6	143,8	138,8
12	244,4	238,2

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики. 1 гуруҳдаги бузоқларнинг 3 ойлигидаёқ тирик вазнининг юқори бўлиши кўзга ташланади.

1 гуруҳдаги бузоқлар 3 ойлигида -4,0кг; 6 ойлигида-5кг ва 12 ойлигида-6,2кг га юқори бўлган.

а) Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишини тасвирлашда ўртача кунлик тирик вазнининг ўсиш кўрсаткичларидан ёш давлари бўйича ўзгариш алоҳида аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичлар 4 жадвалда келтирилган.

7-Жадвал

Бузоқлар тирик вазни ўртача кунлик ўсиш кўрсаткичларининг ёш давлари бўйича ўзгариши, г.

Ёши, ойлар	Гуруҳлар	
	I	II
0-3	570,6	560,8
4-6	656,8	596,2

Жадвал- 7 маълумотларини таҳлил этиш шундан далолат берадики энг юқори ўртача кунлик вазн ўсиши 6 ойликкача, Бузоқлар ҳаётининг дастлабки 4-6 ойларида ўртача кунлик тирик вазн ўсиши 1 гуруҳда 2чисиға нисбатан – 9,3% юқори бўлган. Қолган ойларда фарқ оз бўлган.

в) Жадвал 8 да тажриба гуруҳларидаги бузоқлар тирик вазнининг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари келтирилган.

8-Жадвал

Бузоқлар тирик вазнининг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари, кг.

Ёш давлари, ойлар	Гуруҳлар	
	I	II
0-3	52,4	50,2
4-6	62,8	62,0

с) Маълумки, молларнинг ҳақиқий ўсиш тушумини уларнинг нисбий ўсиш кўрсаткичлари тасвирлайди.

Нисбий ўсиш бу хайвон организмнинг муаян давр ичида, шу давр бошидаги оғирлигига нисбатан фоиз хисобида қувватидир (%).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики бузоқларнинг юқори нисбий ўсиши уларнинг туғилгандан 6 ойлигигача бўлар экан, ва бу ходиса 2 гуруҳларда юқори - (486,4)

Бузоқлар ёши ўсган сари нисбий ўсиши анча паст бўлган.

3.4. Озиқалар сарфини маҳсулот билан қоплаш.

Ёш моллар тирик вазнининг ўсишига озиқа сарфи уларнинг ўсиш ва ривожланиш самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. гуруҳлардаги бузоқлар тадқиқот даврида ҳар 1 кг тирик вазнига тахминан тенг миқдорда озиқа бирлиги сарфлаганлар (фарқи-0,1), бу эса уларда озиқани маҳсулотга айлантириш қобилияти бир-бирига яқинлигидан далолат беради. Оғиз сутини эмиб ўсган 1 гуруҳ бузоқларда ҳар 1 кг ўсиш учун 0,1 оз/бир кам сарф бўлган.

IV. Буқаларни боқишда қўлланиладиган ветеринария – профилактик тадбирлар

Янги туғилган бузоқларнинг касалликларга чалиниши ва нобуд бўлиш сабабларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи ва асосийси она қорнида эмбрионнинг етарли даражада етилмаганлиги бўлса, иккиламчи янги туғилган бузоқларни озиқлантириш режими, уларни зоогигиена шароитларининг бузилиши ҳисобланади. Ўсишдан тўхтаб қолган гипотрофик бузоқларнинг туғилиши – сигирларни тўлиқ озиқлантирмаслик, бўғоз жониворларнинг рационда протеин, минерал озиқлар, каротин ва микроэлементларнинг жуда оз миқдордалиги билан ҳам боғлиқдир. Шунингдек, рационларда дағал, ширали ҳамда

концентрлаштирилган озиқларнинг ўзаро нисбатига риоя қилмаслик ҳам ўз навбатида бўғоз сигирларнинг овқатни ҳазм қилиши, моддалар алмашинувига ҳамда эндокрин органларининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи касалликларнинг сабаблари – жониворларни санитария – гигиена талаби бўйича сақлаш ва уларни озиқлантириш шарт – шароитларининг бузилишидан келиб чиқади. Бузоқларни ўстиришда санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилмаслик юқумли касалликларни пайдо бўлишигагина эмас, балки инфекция ва инвазион касалликларнинг келиб чиқишига шароит яратади.

4.2. БУҚАЛАРДА КЎП УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Диспепсия (носпецифик диарея) - ёш ҳайвонларнинг ўткир кечадиган касаллиги бўлиб, ҳазм ва модда алмашинуви жараёнларининг бузилиши, организмнинг сувсизланиши ва интоксикацияси билан ўтади. Келиб чиқишига кўра ферментодефицит, аутоиммун, иммунодефицит ва алиментар, кечиш даражасига кўра оддий ва токсик диспепсиялар фарқланади.

Сабаблари. Диспепсия полиэтиологик касаллик бўлиб, асосий омилларга қўйидагилар киради:

- а) бўғоз ҳайвонларни нотўғри озиқлантириш;
- б) бўғоз ҳайвонларни ўз вақтида сутдан чиқармаслик;
- в) бўғоз ҳайвонлар организмга захарли моддаларнинг тушиши;
- г) бўғоз ҳайвонлар учун тоза ҳаво ва мационнинг етишмаслиги; д) ёш ҳайвонларни сақлаш ва озиқлантиришда зоогигиеник қоидаларнинг бузилиши;
- е) янги туғилган ҳайвонларга мастит билан касалланган она ҳайвон сутининг берилиши;
- ж) зоогигиеник – санитария талабларига эга бўлган туғруқхоналарнинг бўлмаслиги.

Кузатишларимизда бўғоз сигирларнинг микроэлементлар етишмовчиликлари билан касалланиши оқибатида улардан туғилган бузоқлар орасида диспепсиянинг нисбатан кўп қайд этилишининг ва шунингдек, бўғоз сигирлар рационига қўшимча равишда бир бошга 100 г бентонит, 200 мг мис сульфат, 150 мг калий йодид, 100 мг марганец сульфат, 40 мг кобальт хлорид, 250 минг ХБ витамин А, 150 минг ХБ витамин Д₃, 100 мг Е витамини бир кунда бир марта омехта емларга аралаштирилган ҳолда берилганда бузоқларнинг диспепсия билан касалланишини 30 фоизгача камайишининг гувоҳи бўлдик.

Белгилари. Оддий диспепсия ҳайвоннинг умумий аҳволи ўзгармаган ҳолда, ҳазм тизими фаолиятининг бузилиши, тезаклашнинг тезлашуви, тезакнинг суюқлашуви, юрак уриши ва нафаснинг бироз тезлашуви билан характерланади.

Токсик диспепсияда клиник белгилар тўсатдан пайдо бўлиб, иштаҳанинг, эмиш ва сўриш рефлексларининг йўқолиши, сувсимон, қўланса ҳидли, сарғич - кўкимтир ва баъзан яшил рангли ич кетиши, интоксикация оқибатида ҳолсизланиш, бефарқлик, тери сезувчанлигининг пасайиши ва адинамия кузатилади. Сувсизланиш оқибатида касал ҳайвон ариқлайди, тери қопламасининг ялтироқлиги пасаяди, кўз олмаси чуқади, бурун ойнаси қуриқлашади. Бузоқ ҳарорати пасайиб боради.

Даволаш. Оддий диспепсия билан касалланган бузоқлар 6-12 соат, кўзи ва чўчка болалари 4-6 соат оч ҳолда сақланади ва бу вақт давомида 1 фоизли ош тузи, доривор ўсимликлар, пичан настойкалари илиқ ҳолда ичириб турилади. Халқ табobatiда кенг қўлланиладиган адонис, ангишвонагул, марваридгул, кийикўт каби доривор ўтлардан тайёрланган қайнатма ва дамламаларини қўллаш яхши натижа беради. Кўрсатилган қайнатмалардан бузоқларга увиз сути ичиришдан олдин 100-150 мл, кўзиларга 20-30 мл кунига 2-3 марта, 2-3 кун давомида бериб борилади.

Антибиотиклар, сульфаниламидлар ва пиробиотиклар микрофлораларнинг сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Кўпинча антибиотиклардан гентамицин, синтомицин, колимицин, неомицин, тетрациклин 10-20 мг/кг, сульфаниламидлардан сульгин, этазол, сульфадемизин, сульфадемитоксин 20-30 мг/кг, нитрофуранлардан фурацилин, фуразолидон, фурадонин 3-7 мг/кг миқдорда кунига 2-3 марта, 5-7 кун давомида қўлланилади.

Микробларга қарши препаратлар 3-5 кун қўлланилади, агар яхши самара бермаса бошқасига алмаштирилади. Булардан ташқари пиробиотиклардан лактобактерин, бифилак, бификал, ветом-3 ва бошқалар қўлланилади.

5-6 соат давомида оч қолдириш режимидан сўнг, увуз сути илиқ ҳолда оз-оздан (суткасига 5-6 марта) ичириб борилади ва 3-4 кун ичида одатдаги меъёригача етказилади. Оч қолдириш режимидан кейин ичирилаётган увизнинг миқдори 0,25-0,5 литрдан ошмаслиги керак.

Интотоксикация ва сувсизланишни йўқотиш мақсадида тери остига ёки қорин бўшлиғига ош тузининг изотоник эритмаси, 3-5%-ли глюкоза, 0,1% ҳисобида аскорбин кислотаси қўшилган ҳолда, ёки бошқа электролитли - тузли, глюкоза - цитратли эритмалар, вена қон томирига ош тузининг гипертоник эритмалари 0,4 г/кг қуруқ модда ҳисобида юборилади. Изотоник эритмалар вена қон томирига 15-20 мл/кг, тери остига 5-10 мл/кг дозада юборилади. Ишқорловчи восита сифатида 2,3%-ли натрий гидрокарбонат эритмасидан 100-150 мл кунига бир марта тери остига ёки вена қон томирига, 3-5 кун давомида юборилади.

Бузоқларда бир кунда истеъмол қиладиган сувнинг миқдори 2,5-3 литрдан кам бўлмаслиги керак. Парентерал усулда юборилаётган эритмалар жуда секин, яхшиси томчилатиш усули билан юборилиши лозим. Тажрибаларимизда бузоқлар вена қон томири орқали бир сутка давомида 4

литргача изотоник эритмаларни томчилатиш усулида юбориш яхши самара беришини кузатдик.

Кўп йиллик тажрибаларимизга асосланиб бузоқларда диспепсияни кўйидаги тартибда даволашни тавсия этамиз:

- ошқозон олди бўлимлари 0,1%-ли калий перманганат эритмаси билан бурун-ширдон зонди ёрдамида ювилади, илиқ сув билан чуқур тозаловчи клизма ўтказиш орқали токсик моддалар чиқариб юборилади.

- 10 литр 10%-ли бентонит эритмасига 0,5 кг майдаланган янтоқ ва 0,1 кг аччиқ шувоқ аралаштирилиб қайнатилгач, совитилиб филтрланди ва озиқлантиришдан 0,5 соат олдин 300 мл, кунига 2 марта ичирилди.

- Вена орқали таркиби: 1000,0 дистилланган сув, 20,0 натрий хлорид, 10,0 натрий гидрокарбонат, 50,0 глюкоза, 2,0 аскорбин кислотаси, 1,0 кофеин натрий бензоатдан иборат «Электролитли-дегидратацион эритма» (ЭДЭ) қайнатилиб совитилгач, илиқ ҳолда томчилатиш усулида юборилади.

- Мускул орасига окситетрациклин гидрохлориддан 10 мг/кг дозада кунига бир марта, 3 кун давомида инъекция қилинди.

- лактобактерин, бифидумбактерин, бификол каби пиробиотиклар тавсияномасига асосан қўлланилади. Стимулловчи восита сифатида левомизол препарати 1-1,5 мг/кг дозада ҳар 5 кунда бир марта, жами 2-3 марта қўлланилади.

Олдини олиш. Мутахассисларнинг асосий эътибори бўғоз ҳамда янги туққан сигирларни озиқлантириш қоидаларига амал қилишга қаратилиши керак. Сутдан чиқарилган бўғоз сигирлар рациона туйимли моддалар, витаминлар ва минерал компонентларга нисбатан баланслаштирилади. Рацион асосан сифатли пичан, илдизмевали озиқалар ва омихта емлардан ташкил топган бўлиши лозим.

Сигирларнинг туғишига 2 ой қолганда алоҳида гуруҳларга ажратилади. Туғишига икки ҳафта қолганда эса туғруқхоналарга ўтказилади ва оптимал микроклимат, парваришlash ва озиқлантириш шароитлари яратилади.

Туғруқхонада сигирларга силос, барда, жом ва бошқа кислоталиги юқори бўлган озиқаларни бериш ман этилади.

Сигирларнинг туғишига 5 кун қолгандан бошлаб ва тукқандан кейин 15 кун давомида уларга концентрат озиқалар, сифатли пичанлар кам-камдан берилади. Бу даврда туз ва сув бериш чегараланади. Бу тартибда озиқлантириш билан айниқса 1-2 туғишдаги ғуножин ва сигирларда елинда шишлар пайдо бўлиши, мастит каби касалликларнинг олдини олишга эришиш мумкин.

Диспепсиянинг олдини олишда янги туғилган ҳайвонларга увиз сутини ўз вақтида бериш жуда катта аҳамиятга эга. Бузоқларга увиз сути туғилгандан сўнг 1-1,5 соатдан кечикмасдан ичирилиши шарт. Бу пайтда санитария қоидаларига риоя қилиниши, яъни идишлар ва сигирларнинг елини илиқ сув билан ювилиши лозим.

Увиз бузоқларга индивидуал сўргичлар ёрдамида ичирилади ёки алоҳида хоналарда онаси билан биргаликда сақланади. Янги туғилган ҳайвон бузоқсининг ўз вақтида қўришига эътибор берилади, яъни суртиб олиш ёки сунъий равишда иситиш йўллари билан қуритилади. Ёш ҳайвонлар увиз даврида алоҳида сақланганда уларга увиз кунига 4-6 марта илиқ ҳолда ичирилиши керак. Мастит, метрит ва кетоз кабилар билан касалланган сигирлардан соғиб олинган сут янги туғилган бузоқларга ичириш учун яроқсиз ҳисобланади.

Колибактериоз (колибациллёз, колиэнтерит, колисепсис). У ёш ҳайвонларга хос ўткир ўтувчи юкумли касаллик булиб, ичак таёкчалари (Ешерихиа)нинг патогенли штамми томонидан кузгалади. Касаллик ошқозон-ичак йулларининг яллигланиши, кучли ич кетиши, септицемия, энтеротоксемия колиэнтеритнинг ривожланиши билан намоён булади.

Таркалиши. Касаллик ҳамма жойда тарқалган. Айниқса зоогигиеник шароити яхши булмаган молхоналари тозаланиб, дезинфекция уз вақтида утказилмайдиган, ёш моллар тугилган кунидан тулик сифатли озиқалар

билан рационга биноан уз вақтида бокилмайдиган, моллари бугозлик даврида зооветеринария асосида тайёрланмайдиган хужаликларда куп учрайди.

Клиник белгилари. Касалликнинг инкубацион даври бир неча соатдан 1-2 кунгача. Колибактериозда клиник белгилари организмнинг физиологик ҳолатига, айниқса касалликни кузгатаётган ичак таёкча штаммининг вирулентлик даражасига боғлиқ бўлади. Касаллик белгилари тез ривожланади. Касалланган мол ҳолсизланади, ҳаракати камаяди, куп ётади, оғиз сутини ёки сутини ичмай қуяди. Бузоқ ҳарорати 1-1,50 га кутарилиб пульс ва нафас олиши тезлашади. Бурун ойнаси қурийди, куз шилимшиқ пардалари кизариб, ифлосланади, сунгра купинча касалларда энтерит ривожланиб, ич кетиш бошланади, тезак сувдек суюқ, ок-сарик рангда, пуфакланиб, ёмон хидли, қон аралаш, ҳазм бўлмаган сут тугунчалари бўлади. Суюқ тезак билан бузоқсининг орқа томони ифлосланади. Касалликнинг охириги даврида тезаклиш беихтиёр тезлашади. Корин деворини пальпация қилганда у оғрийди аускультация ёрдамида ичак ҳаракатланиши тезлашганлиги эшитилади.

Ич кетиши бошланиши билан одатда бузоқ ҳарорати нормага тушади, улишидан олдин пасайиб ҳам кетади, пульс қучсиз, нафас юзаки бўлади. Тез-тез ич кетишидан организмда сувсизлик ривожланиб, бугинлар яққол кузга ташланади, кузи ковогига тортилиб, тери қурийди. Касаллик тез ривожланиб, ҳайвон тез орада улса, сувчизлик белгилари бўлмаслиги мумкин. Касаллик ривожланган сари ҳайвонда иштаха тулик йуколади, депрессия қучаяди, шу тарика коматоз ҳолат пайдо бўлиб, ҳайвон улади. Касаллик – яшинсимон тезликда утганда, энтерит белгилари бўлмаслиги ҳам мумкин. Касал моллар уз вақтида даволанмаса, улар 80% ўлади.

4.3. Буқаларнинг касалланиш асорати.

Маълумки, фермер хўжаликларида айниқса бузоқлар 20 кун ва 2 ойгача турли касалликка дуч бўладилар.

Туккан сигирлар биринчи хафтада берган оғиз сутида бузоқ организмни мустахкам қиладиган, соғлигини сақлайдиган моддалар мавжуд, улар касалланишнинг олдини оладилар.

Бизнинг изланишларимизда 1 гуруҳдаги яъни оғиз сутини эмизиб ўстирилган бузоқлар 12 ойгача ҳеч қандай касалликка учрамайдилар. Иккинчи яъни назорат гуруҳидагилардан эса 2 бош бузоқ диспенсия ва 1 бош ўпка касалликка дуч бўладилар. Бу маълумотлар 9-жадвал да келтирилган.

9-Жадвал

Гуруҳ	n	Диспенсия		Ўпка		Бошқа касалл.
		бош	%	бош	%	
I	6	-	-	-	-	-
II	6	2	33	1	17	-

Жадвал 9 маълумотларидан кўриниб турибдики оғиз сутини эмиб ўсган бузоқлар ўта резистентлиги хусусиятига эга бўлган.

4.4. Таҳлилнинг иқтисодий самарадорлиги (кг, сўм, %)

Хўжаликдаги айрим иқтисодий кўрсаткичлар:

- 1кг гўштни келишилган бозор нархида сотиш – 8500 сўм;
- 1кг гўштнинг таннари – 7500 сўм;
- 1 озиқа бирлигининг таннари – 100 сўм;
- тажриба гуруҳларидаги бузоқларнинг 6 ойлигидаги тирик вазни: 1 гуруҳда – 159,8кг, 2 гуруҳда - 165,2 кг.

1. Бозорда сотганимизда:

$159,8 \times 8500 = 1358300$ сўм – I гуруҳ;

$165,2 \times 8500 = 1404200$ сўм – II гуруҳ.

2. Маҳсулот таннарини аниқлашда:

$159,8 \times 7500 = 1198500$ сўм – I гуруҳ;

$165,2 \times 7500 = 1239000$ сўм – I I гурух.

3. Агар бузоқлар 1 суткада 0,5кг дан ўсса 365 кун (1йил) $\times 0,5 = 182,5$ кг ўсади.

Агар хар 1кг ўсиш учун 10 о/б сарф бўлса $182,5 \times 10 = 1825$ о/б бўлади.

Энди, $1825 : 159,8 = 7,94$ о/б – I гурух;

$1825 : 165,2 = 8,48$ о/б – II гурух.

Буларнинг фарқи $8,48 - 7,94 = 0,54$ оз/бир.

Демак, II гурухдаги бузоқлар хар 1кг ўсиш учун 0,54% о/б кўп сарф қилганлар.

Агар 6 ойда 2 гурухдаги бузоқлар 165,2 кг ўсган бўлса: $215,2 \times 0,54 = 116,2$ оз/бир кўп сарф бўлган.

Агар 1 оз/бир таннархи 100 сўм бўлса: $116,2 \times 100 = 11620$ сўм бўлади.

Агар шу харажатни 2 гурухдаги бузоқларнинг ўсиш кўрсаткичлари таннархига қўшсак: $1183600 + 11620 = 1195220$ сўм.

4. Фойдани аниқлашда даромаддан таннарх айирилади:

$1493700 - 1263900 = 229800$ сўм – I гурух;

$1398800 - 1195220 = 209580$ сўм – I I гурух.

5. Рентабеллик даражасини аниқлашда фойда 100 га кўпайтирилиб таннархга бўлинади:

$229800 \times 100 : 1263900 = 18,18\%$ – I гурух;

$209580 \times 100 : 1195220 = 17,0\%$ – I I гурух.

Изланиш тахлилининг иқтисодий самарадорлиги 10-жадвал да келтирилган.

10-Жадвал .

Гурух	Олинган махсулот,кг	Даромад, сўм	Махсулот таннархи,сўм	Фойда,сўм	Рентабеллик даражаси,%
I	159,8	1358300	1198500	159800	11,9
II	165,2	1404200	1239000	165200	12,4

Бузоқларни сут даври одатдагича мақсадга мувофиқ 3 – 6 ойгача ҳисобланади. Бу давр ичида бузоқларни 10 – 20 бошдан гуруҳларга бўлиб алоҳида парваришланади.

Бузоқларни 2 – 3 маротаба суткасига режим асосида сутли озиқа ва ЗЦМ билан озиқлантиришнинг самарадорлиги. Л.Я. Макаренко тахлилига биноан самарадорлиги бўйича қуйидаги 11 – жадвалда акс эттирилган.

11 – жадвал

№	Кўрсаткичлар	Уч маротабали озиқ-ш		Икки маротабали озиқ-ш	
		Тажриба гуруҳлари			
		I	II	III	IV
1.	Бузоқлар бош сони	21	21	21	21
2.	1 бошга сарфланган сутли озиқа (кг) соф сут	300	80	300	80
3.	Ёғи олинган сут	500	-	500	-
4.	ЗЦМ ҳазмланиш коэффициенти	-	76	-	76
5.	Органик модда	68.3	66.4	67.1	68.0
6.	Протеин	73.0	70.0	78.7	72.7
7.	Клетчатка	51.7	54.4	50.8	54.9
8.	АЭМ	71.5	67.5	69.2	71.9
9.	Бузоқларни 6 ойлик ёшидаги тирик вазни (кг)	177.4	162.5	170.7	159.9
10.	1 кг ўсишга сарфланган озиқа бирлик	4.23	4.67	4.39	4.77
11.	Ҳазмланувчи протеин (г)	467	537	486	544
12.	1 ц ўсишига сарфланган озуқа, ҳар 1 кг	70.48	88.95	72.80	91.62
13.	Таннархи, умумий харажат (минг сўм)	102.9	97.3	99.0	98.2
14.	Ҳар бир бошдан соф фойда	31.5	8.4	23.2	6.6
15.	Рентабеллиги %	60.8	8.9	76.0	9.0

ХУЛОСАЛАР

1. Қора – ола зотли ёш буқаларни ўстиришда уларни асраш, сут эмиш даврида боқиш, сутдан чиққан даврида боқиш ва сақлаш шароитига эътибор қаратилмоғи лозим.
2. Қора – ола зотли ёш буқаларни ўстиришда уларни асраш, яъни индивидуал катакларда асрашнинг аҳамияти катта экан.
3. Қора – ола зотли ёш буқаларни ўстиришдаги асосий вазифаси янги туғилган бузоқлар турли касалликларга дучор бўлиб, 10 – 15 кун ичида ҳалок бўлиши мумкин. Унинг асосий сабаби озиқлантириш ва парваришlashнинг нотўғри ўтказилишидир.
4. Қора–ола зотли Ёш буқаларни сут эмиш даврида озиқлантиришнинг аҳамияти долзарб масала ҳисобланади.
5. Сут эмиш даврида сифатли пичанни ошқозоннинг меёردа ривожланишига таъсирини ўргандик.
6. Ёш буқаларни ўсишида изланувчи ўзининг битирув – малакавий ишида янги туғилган бузоқларни парваришlashда оғиз сутидан тўлиқ фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.
7. Ҳар бир фермер хўжалигида озиқлантиришнинг тўла тўқис олиб борилиши бузоқлар организмнинг модда алмашинуви ҳамда парваришlash тартиби устидан қатъий зооветеринария назорати ўрнатилиши лозим.
8. Туғилган гўштдор бузоқларни оғиз сути билан 7-10 кун давомида эмизиб боқиш, сўнгра махсус сут ичириш даври – муддатда тегишли тўла қийматли озиқалар билан боқиб ўстириш тавсия қилинади.
9. Янги туғилган бузоқларни қисқа вақт ичида ташқи иқлим шароитига мослаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Наслчилик тўғрисида»ги қонун. Тошкент. 1995.
2. «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини қупайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори. Тошкент - 2006.
3. Авлаев Ф.М. Продуктивные показатели телок черно-пестрой породы при пастбищной технологии выращивания в условиях жаркого климата Узбекисбузоқ. Автор.канд.дисс, Т., 1991, с.19-20.
4. Акмальхонов Ш.А. и др. Влияние быков - производителей черно - пестрой породы на наследование молочности дочерей. Тр. УзНИИЖ, вып.19, Т., 1974., стр.3 - 8.
5. Акмальхонов Ш.А., Аширов М.И. Бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологияси. Тошкент. «Меҳнат», 1986, 29 - 33 б.
6. Акмальхонов Ш.А., Болтаев А., ва бошқалар. Сигирларнинг оғиз сутидан фойдаланиш бузоқларнинг чидамлилигини ва маҳсулдорлигини оширишга бўлган таъсирини ўрганиш «Қишлоқ, хўжалиги тараққиётини илмий асослари» Халқаро илмий-амалий конференция маърузаларининг тезислари тўплами, ТошДАУ, 2001. 294 - 295.
7. Акмальхонов Ш.А. ва бошқалар. Сигир оғиз сутидан лактоглобулин перепаратини ажратиб олиш ва ундан бузоқларни парваришlashда фойдаланиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2007.УзЧИТИ. 5 - бет.
8. Аширов М.И., Боратов М.О. Воспроизводительная способность ремонтных телок, оплодотворенных в раннем возрасте. Тр. УзНИИЖ, вып. 36, Т., 1982, с.32.
9. Берднюк А.Ф. Болезни конечностей у продуктивных животных. Киев. «Урожай», 1976, с; 130.
10. Бурибоев Ш.М. Влияние местных каолиновых и бентонитовых глин на рост, развитие и мясную продуктивность бычков швицкой породы. Авт.кан.дисс.Т., 2006. Стр. 18.

11. Григорьев Ю.Н., Казарбин Д.Р., Храмова Л.Г. Использование голштинских быков Московской области. Ж. «Животноводство», №3, 1987, стр.20-24.
12. Гугля В.Г., Наумова М.А. Выращивание ремонтных телок на рационах с различным уровнем энергии и протеина. Ж. «Зоотехния», №3, 1988, стр. 36-37.
13. Израэл А.И. Опыт использования физиологического изучения акклиматизации патологии крупного рогатого скота в Узбекистане. Бюлл. Среднеазиатского государственного университета, Ташкент. 1945, вып.23, стр. 164.
14. Исамухамедов С, Авизов А.Г, Холматов А.Ж. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва наслчилиқ иши. Маъруза матни. Тошкент. 2000, 25-26-27 б.
15. Карибоев К.К ва бошқ. Госсипол унинг хусусиятлари ва захарсизлантириш усуллари. Тошкент. 2000. 10-16 бет.
16. Карчевский Э.Ю. Теория и практика разведения черно-пестрого скота в Узбекистане. Т., «Фан», 1984, стр.70.
17. Классен Х.И. Красный степной скот. М., «Колос», 1966. Стр. 213.
18. Косумов И.М, Кадиев И.М. Особенности коров красной степной и черно-пестрой пород в Дагестане. Ж. «Зоотехния». М., №6.2000, стр.8-9.
19. Кудлай И.Н., Петруша И.С. Интенсивная технология выращивания голштинизированных телок. Ж. «Зоотехния», №3, 1988, с.52.
20. Лазаренко В.Н., Епимахов А.И. Взаимосвязь и повторяемость хозяйственно полезных признаков у коров и молодняка. Ж. «Зоотехния» М. №7, 2005. Стр. 8-9.
21. Левина Г.Н. высокопродуктивные стада коров. Необходимость повышения резистентности животных. Ж. Аграрная наука. №7, 2005. Стр. 26-27.

22. Лифанов П. Интенсивное выращивание первотелок Бестужевской породы. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», №4, 1989, с.33-34.
23. Лумбунов С.Г., Игнатъев Р.Р. Изменения морфологического и биотехнологического состава крови с возрастом. //Аграрная наука, М., 1999, №4, стр. 24-25.
24. Максудов И. Совершенствование технологии выращивания первотелок черно-пестрой породы в условиях жаркого климата. Автор.докт.дисс, Т., 1994,с.35-36.
25. Мисосотов Т.А. и др. Естественная резистентность и углеводножировой обмен телят при содержании их открытом воздухе. // Молочное и мясное скотоводство. Вып., 73, Киев, «Урожай», 1988. стр. 68-73.
26. Носиров У. Узбекистан аграр фани хабарномаси. Тошкент. 2000. 55 - 51 бетлар.
27. Пирназаров З.М. Турли тизимлардаги бузоқларнинг ўсиши. ТошДАУ. «Кадрлар тайёрлаш тизимида - аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Халқаро илмий-амалий конференция. Тошкент, 2006. 11-12 бет.
28. Пурецкий В.М., Прахт В.А. Биологически активная добавка рибав в профилактике диспепсии у телят.Ж. «Зоотехния» М. №7, 2005. Стр. 15.
29. Сидиров М.А. Резистентность организма «Ветеринарная энциклопедия». Москва, 1975. №5. Стр. 361.
30. Солдатов А.П ва бошқалар. Биологические свойства и основы рационального использования молозива коров. Обзорная информация. Москва, 1989.стр. 11-19.
31. Спивак М. Использование быков голштинской породы для совершенствования молочного скота. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», №1,1990, стр.33.
32. Тимофеев А.И., Насыров Р.Г. Интенсификация воспроизводства стада

- и выращивания ремонтного молодняка. Ж. «Зоотехния», №3, 1988, с.50.
- 33.Тимоченко Л.Д., Таов И.К., Кагермазов И.Б. Дифференцированный отбор телят для направленного выращивания. Ж. «Зоотехния», №1, 2003, с.12-13.
- 34.Урбан В.П, Найманов И.Л. Болезни молодняка в промышленном животноводстве. М., «Колос» 1984,стр.51.
- 35.Фантин В.М. Эффективность выращивания ремонтных телок и нетелей черно-пестрой породы на полуоткрытых площадках и в зданиях облегченного типа в условиях Московской области. Автор.канд.дисс, Дубровицы, 1979, с.25-26.
- 36.Хафизов И.И., Пирназаров З.М. Фермер хўжаликларида наслчилик ишларини ташкил этишнинг асосий омиллари. ТошДАУ. «Кадрлар тайёрлаш тизимида - аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Халқаро илмий - амалий конференция. Тошкент, 2006. 13-14 бет.
37. Эйснер Ф.Ф. Методы разведения., «Колос», 1977, стр.30-42.
38. ШостакВ.А. Совершенствование красной степной породы. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», №5, 1988, с. 34-36.
39. www.leschinsky
40. www.marinebio.org
41. www.itg.be
42. www.ptcplus.com

ҲАР ХИЛ ГЕНОТИПДАГИ БУЗОҚЛАРНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

С.Д.Дўстқулов, А.Рахимов, М.Нарбаева.

Самрқанд қишлоқ хўжалик институти.

Республикамизда урчитилаётган қорамол зотларини яхшилаш учун хориждан келтирилаётган машхур зотларнинг буқалари уруғидан сунъий қочиришда фойдаланилмоқда.

Қизил чўл зотини такомиллаштириш учун асосан англери зоти буқалари уруғи ишлатилмоқда. Кейинги йилларда ҳар хил генотипдаги кўплаб дурагайлар олинган. Шу дурагайларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигининг наслчилик фермасида, қизил чўл зотини англери зоти билан чатиштириб олинган учинчи бўғин дурагайлардан 10 бош урғочи ва 10 бош эркак дурагай бузоқларнинг, туғилганидан 6 ойликкача бўлган ўсиш ва ривожланишини ўрганилади.

1- жадвал.

Касби туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигининг наслчилик фермасида, қизил чўл зотини англери зоти билан чатиштириб олинган учинчи бўғин дурагайларининг мутлоқ ва нисбий ўсиши.

Ўши,ой хисобида	Урғочи бузоқлар				Эркак бузоқлар			
	т\в, кг	Давр ичидаг и ўсиш	Қунли к ўсиш, г	Нисби й ўсиш, %	т\в, кг	Давр ичидаг и ўсиш	Қунли к ўсиш, г	Нисби й ўсиш, %
Туғилган да	30,4				32,3			
1-ойлик	53,0	22,6	753	74,3	54,0	21,7	723	67,1
2-	74,0	21,0	700	39,6	76,0	22,0	733	40,7
3-	95,0	24,0	800	32,4	99,0	23,0	766	30,2
4-	116, 0	21,0	700	22,1	123, 0	24,0	800	24,2
5-	138, 0	22,0	733	18,9	146, 0	23,0	766	18,6
6-	161, 0	23,0	766	16,6	169, 0	23,0	766	15,9

Бузоқларнинг тирик вазни 6 ойликкача урғочи бузоқларда ўртача 129,6 кг гача ва эркак бузоқлар 136,7 кг гача ошган ёки кундалик қўшимча ўсиш урғочи бузоқларда ўртача 720 граммни ва эркак бузоқларда 759 граммни ташкил қилган. Энг юқори кундалик ўсиш 3- 4 ойлик бузоқларда учраган. Бузоқлар ёшининг ортиб бориши билан нисбий ўсиш ёки ўсишнинг тезлиги пасайиб борган.

Эркак бузоқлар урғочи бузоқларга нисбатан анча тез ўсиб йирик вазнга эга бўлган. Тажрибадаги бузоқларга 50 кун давомида 300 кг қаймоғи олинмаган сут, кейинчалик 4 ойликкача 300 кг қаймоғи олинган сут ичирилган.

Бузоқларнинг тана ўлчовлари олинди ва тана тузилиши индекслари ҳисоблаб чиқилди.

«Боғизоғон» ширкат хўжалигининг «Чорва Барака» наслчилик фермасида тажриба ўтказиш учун учунчи бўғин авлодларидан 10 бош урғочи ва 10 бош эркак таначалар ажратиб ўсиш, ривожланиш ва экстерьер кўрсаткичлари тенг озуқа ва асраш шароитида ўрганилди. Олинган маълумотлар 2- жадвалда келтирилган.

2- жадвал маълумотларидан кўринмоқдаким тенг ёшли эркак ва урғочи таналарнинг ўсиш ва ривожланиши орасида қисман бўлсада фарқ сезилмоқда. Умуман олиб қараганда эркак таналарда мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлсада, аммо ўсиш қуввати урғочи таналарда кучлироқ бўлиши кўринмоқда. Учунчи бўғин таналарда маълум бўлишича иккинчи бўғин таналарга нисбатан ўзгарувчанлик кўрсаткичи бирмунча фарқ қилмоқда. Биз таналарни ўсиш даврлари бўйича динамикасини ўрганиб бу маълумот 3- жадвалда келтирилган.

3- жадвал.

Таналарни ўсиш даврлари бўйича динамикаси.

Даврлар	Эркак бузоқлар			Урғочи бузоқлар			
		Мутлоқ ўсиш	Қунлик ўсиш, г	Нисбий ўсиш,%	Мутлоқ ўсиш	Қунлик ўсиш, г	Нисбий ўсиш,%
Туғилг- 6 ойлик		118,0	655	374,60	119,7	665	409,93
6-12 -ойлик		62,9	349	42,07	70,0	388	47,01
12-18 ойлик		143,9	799	67,74	131,7	731	60,16
Туғилг- 18 ойлик		324,8	1080	1031,1	321,4	1078	1100,68

Жадвал маълумотларидан кўринмоқдаким таналарнинг жинси тафовут билан ўсиш куввати орасида фарқ бор. Эркак таналарда мутлоқ ўсиш кўрсаткичи тенгдош урғочи таналарга нисбатан 12 - 18 ойларда ва туғилгандан 18 ойлигигача бўлган даврларда анча юқори бўлган. Ўсиш куввати эса урғочи таналарда туғилганидан 6 ойлигигача ва 6 - 2 ойлиги ўсиш даврларида сезиларли ҳолатда кучли эканлиги намоён бўлмоқда.

Юқорида зикир этилган гуруҳ таналарни экстерьер кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида биз уларни тана ўлчовларини олиб, у маълумот асосида тана тузилиши индексларини ҳисоблаб чиқиш, бу маълумотни жадвалда келтирдик.

4- жадвал.

Тажрибадаги таналарни тана тузилиши индекслари.

№	Индекслар номи	Таналар	
		Эркак	урғочи
1	Узуноёқлилик	50,3	52,3
2	Чузилувчанлик	116,2	114,1
3	Зичлилик	143,5	135,2
4	Кўкракдорлик	58,5	57,9
5	Тос - кўкракдорлик	98,6	94,3
6	Суякдорлик	17,9	17,4

Жадвал маълумотидан кўринмоқдаким номлари келтирилган индекслар кўрсаткичи эркак таналарда бирмунча ортиқроқдир. Демак тенг ёшли эркак таналарнинг жуссаси урғочи таналарга нисбатан бирмунча йирикрок экан. Буни жинсий фарқланиш дейиш мумкин.

Тажрибадан шу нарса маълум бўлдики тоза зотли молларга нисбатан дурагайларда ўсиш ва ривожланиш бирмунча юқори эканлиги аниқланди.

ПРОГРАММА ДЛЯ ТЕЛЯТ (КОМБИМИЛК®)

Программа Комбимилк®	Применение			Состав									Примечание
	Темп. замешивания °C	Темп. выпойки °C	Дозировка Лето/Зима г/л	Сух. обезмол.	С. Протеин %	Лизин %	С. жир %	Клетч. %	Вит. А I.E.	Вит. Д3 I.E.	Вит. Е мг	Вит. С мг	
Galant	30-45	20-40	130 / 150	+	22	1,8	15	1,5	75 000	7 500	160	450	Содержит 40 % обезж. м. для стимуляции иммунн
Joker	30-45	20-40	130 / 150	-	21	1,8	15	0,1	75 000	7 500	160	450	ЗЦМ с вводом орг. кисло
Комбимилк® 1 - 2 (32590) 16%	40-45	38-39	100 / 130	-	21	1,7	16	0,5	50 000	5 000	85	300	Высокоусвояемая выпой мол. для телят (сделана
Комбимилк® 1 - 2 (32657) 12%	40-45	38-39	100 / 130	-	21	1,72	12	0,6	50 000	5 000	85	300	Стандартная выпойка б телят (сделана для рос.

Все заменители молока из программы Комбимилк содержат пробиотик и ароматические вещ-ва.

Подготовка выпойки

Темп. замешивания: 30 - 45 °C
Темп. выпойки: 20 - 39 °C
Литров в день: 5 - 7

Концентрация на литр

Лето: 100 г
Зима: 150 г
Весна и осень: 140 г

Подача воды и грубых кормов

Свежая вода должна подаваться телятам с 8 дня рождения.
Помнить: не все телята пьют с нипельных поилок.
Фронт поения: 1 чашечная поилка на 15 телят при групповом соде
Грубый корм в.т.ч. сено должен подаваться свежим.
При недостаточной длине кормушки CombiKorn® подаётся автома

Программа CombiKorn®	Состав					
	МД/МЕ на кг	С. Протеин %	Вит. А I.E	Вит. Д3 I.E.	Вит. Е mg	Вит. группы В
Primus	11,2	21	30 000	3 000	60	+

Памятка:

Из 1 л конц. муравьиной кислоты и 9 л воды получается 10 л разбавленн
На 1 л выпойки 30 мл, мах 50 мл разбавленной к-ты или 5 г лимонной к-т
Но! при повышении ввода кислот и темп. замешивания молока повышае
При повышении дозы орг.кислот повышается надёжность кормления,
но может понизиться потребление телёнком.

